Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обуначига 3 сўм. Сотувда — 5 сўм.

1992 йил 27 ноябрь, жума № 233—234 (21.332).

ДОНО—ДЎСТ АХТАРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг Эронга ташрифи якунланди

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Эрон Ислом Жумҳуриятига расмий ташрифи икки мамлакат дўстлиги ва ҳамкорлигининг умидбахш муқаддимаси бўлди.

● Ислом КАРИМОВ: «Биз тижоратчи савдо аҳлини халқлар ўртасида муносабат ўрнатувчи тоифа деб биламиз».

● Сафар натижасида икки томонлама ўзаро муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги баённома ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

● Сафар хулосаси шуки, доно—дўст ахтаради, дўст ахтарган эса, албатта, уни топғуси.

● Мустақил Ўзбекистонимизнинг халқаро миқёсда кун сайин нуфузи ортиб, жаҳон мамлакатлари билан бордикелдилар, турли соҳадаги ҳамкорликлар силсиласида янги-янги саҳифалар очилмоқда.

Куни кеча — ноябрнинг 24—25-саналарида— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф мақомида Эрон Ислом Жумҳуриятида бўлиб қайтди.



Суратларда: ташриф пайтида.



Р. ҒАФУРОВ олган суратлар (ЎзА).

Сафарда у кишига Ўзбекистон Олий Кенгаши ноиблари, республика ташқи ишлар вазири, вилоят ва шаҳарларнинг ҳокимлари, хорижий иқтисодий алоқа, банк, савдо идораларининг раҳбарлари, дин арбоблари ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларидан бир гуруҳи ҳамроҳлик қилди.

Атиги икки кун давом этган мазкур сафарнинг барча тафсилотлари тўғрисида сўзламоқ иложи йўқ, албатта. Ҳар дақиқаси Ватан манфаатларига йўналтирилган, иншооллоҳ, Ўзбекистон билан Эрон дўстлиги, ҳамкорлигининг умидбахш муқаддимаси бўлғуси бу кунлар хусусида ҳали кўп гапирилар, кўп ёзилар.

Қадимий ва афсонавий Теҳрон заминига хайрли тонг билан кириб борган мамлакатимиз раҳбарини Эрон Ислом Жумҳуриятининг Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний жаноби олийлари пойтахт ҳудудидаги «Меҳробод» халқаро тайёрагоҳида самимий эҳтиром билан кутиб олди. Олий мартабали меҳмонга муносиб рисоладаги жами илтифот бажо этилди. Бу — икки давлат раҳбарининг Ашгабат учрашувидан кейинги дийдорлашуви бўлиб, мазкур ташриф узоқ кутилгани сезилиб турарди.

Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти девонидаги хос меҳмонхонада икки раҳбар ўртасида кечган яккама-якка суҳбатдан сўнг расмий мажлислар толорида кенгайтирилган тартибда музокаралар бошланди. Унда Эрон томонидан хорижий ишлар вазири, маданият ва ислом таълимоти вазири, савдо вазири, нақлиёт ва юк ташиш вазири, марказий банк раиси, шунингдек, бошқа ҳукумат аъзолари иштирок этди.

Зикр этилган соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш шартлари хусусида сўз борди.

Ўша куни тушдан кейин Теҳроннинг тоғ этагида ястанган сафоли Саадобод боғи ҳудудидаги Президентимизга ажратилган махсус қароргоҳда иккита учрашув бўлди.

Эрон банк бошқарувчилари ҳамда молия, кредит ходимлари ва Эрон савдо уйи раҳбарлари ҳамда ишбилармонлар билан бўлган бу сермазмун суҳбатларда ўзаро иқтисодий ва савдосотиқ алоқалари, банк тизимига доир тажрибалар, дунё банклари билан, жумладан, халқаро валюта жамғармаси билан муносабат, мазкур ташкилот тавсияларининг мусбат ва манфий жиҳатлари хусусида фикр алмашилди. Барча давлатларга тақдим этилган моҳиятан бир хил бу тавсияларни муайян шароитга мослаб, босқичма-босқич амалга ошириш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, иқтисодиётда четдан сармоя олиб келишнинг аҳамияти, бу ишнинг қонуний кафолатлари, жаҳон бозорига мол чиқариш, миллий пул муаммоси, хусусийлаштириш каби масалалар ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Эрон савдо уйи раҳбарлари ва ишбилармонлар билан суҳбатда Президент Ислом Каримов уларни Ўзбекистонга даъват этиб, «Биз тижоратчи савдо аҳлини халқлар ўртасида муносабат ўрнатувчи тоифа деб биламиз. Демак, мана шу учрашувда қатнашаётган биродарларни бўлажак элчиларимиз десак бўлади», деб лутф қилди. Сўнг уларга республикамизнинг иқтисодий имкониятлари ҳақида мухтасар маълумот бериб, ўзаро катта-катта савдо кўргазмаларини уюштириш айни муддао бўлажагини таъкидлади. «Албатта, сизларнинг Америка, Япония каби мамлакатлар билан савдо алоқаларингиз яхши, у ёқлардан келадиган молнинг сифати зўр. Лекин Ўзбекистонда шундай моллар борки, уларнинг қасини бошқа жойдан то полмайсиз».

Бу суҳбатлар мўлжалдагидан узоқ давом этди. Негаки, ўртага қўйилган масалалар иқтисодий ҳаётнинг туб моҳиятига боғлиқ эди. Меҳмон давлат раҳбарининг одатдаги сипо гурунгдан воз кечиб, дадил-дангал айтган фикрларига, муҳокама этилаётган молия, иқтисодиётга доир масалаларни мириданмиригача таҳлил қила олишига шу соҳанинг пириман деб юрган мезбонлар тан берган бўлсалар керак.

Ўша оқшом иккала давлат бошлиғи яна учрашиб, суҳбатлашдилар. Садобод боғининг махсус толорида олий мартабали меҳмон — Ислом Каримов жаноби олийлари шарафига зиёфат берилди.

Эртаси куни Ислом Каримов эҳтиром юзасидан Эрон Ислом Жумҳуриятининг раҳнамоси, оятулло Саййид Али Хоманеи қарорғоҳига ташриф этди ва улар ўртасида суҳбат бўлди.

Шундан сўнг Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти девонида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими ўтказилди. Бир талай ҳужжат имзоланди. Ўзаро муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги баённома, савдо-сотиқ ва иқтисодиёт; алоқа, телекоммуникация ва ҳаво транспорти, маданият ва сайёҳлик борасидаги ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Чошгоҳ чоғи Ўзбекистон Президенти бошлиқ республика вакиллар гуруҳи Эрон маданиятининг қадимий ўчоқларидан ҳисобланган Исфаҳон шаҳрига қараб йўл олди. Олийшаън меҳмонни «Меҳробод» тайёрагоҳида Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний ва бошқа ҳукумат раҳбарлари кузатиб қолдилар.

Исфаҳонда илиқ пешвоз олинган меҳмонлар Ўзбекистон Президенти шарафига берилган зиёфатдан сўнг шаҳарнинг тарихий обидалари билан танишдилар. Шоҳ Аббос даврида қурилган Чиҳелстун сингари улкан, ҳашаматли саройларни, Имом Ҳумайний майдонидаги масжиду мадрасаларни, кўзни қамаштиргучи мисгарлик, заргарлик, кандакорлик дўконларини томоша қилдилар.

350 километрга чўзилган, Исфаҳоннинг марказидан ўтадиган Зоянедруд дарёси устидаги кўприклардан бирида жойлашган антиқа чойхонада бўлган мухтасар суҳбат меҳмонлар хотирасидан сира унутилмас.

...Юртимиз мустақил бўлганидан буён ўтган бир йилдан ортиқроқ муддат мобайнида Президентимиз бошлиқ давлат вакиллар гуруҳлари дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатида бўлди, ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқалари боғланди. Эрон Ислом Жумҳуриятига ташриф — шу сирага мансуб навбатдаги, ўн иккинчи сафар. Уни қисқа муддатли, аммо унумли, ўзаро самарадор бўлди, дейиш мумкин.

Доно — дўст ахтаради. Дўст ахтарган—топғуси.

(ЎзА мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН УРОЛОГЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИГА

Муҳтарам дўстлар!

Ўзбекистонда замонавий тиббиёт илми ва амалиётининг энг муҳим йўналишлари орасида урология етакчи ўринлардан бирида туради.

Ўзбекистон Республикаси урологлари 1-қурултойи қатнашчиларини ва делегатларини табриклаб, минтақамизнинг ўзига хос шароитида урологиянинг тутган ўрни ва аҳамиятини алоҳида таъкидламоқчиман, минтақамизда миллионлаб кишилар урология касалликларини даволаш ва олдини олишга муҳтождирлар.

Айни шу сабабли қурултойингизда муҳокама қилинаётган муаммоларнинг, унда қабул қилинадиган қарорларнинг аҳамияти каттадир. Биз илғор билимлар билан қуролланган юқори малакали шифокор урологлар ва мутахассислар тайёрлашга ҳамда уларнинг жойларда муқим ишлаб қолишига, шифохоналаримиз замонавий асбоблар билан жиҳозланишига жуда муҳтожмиз.

Ҳозир зўр мамнуният билан шуни айтиш мумкинки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда республика урология мактабини барпо этишда катта қадам қўйилди. Бу мактаб республикадан ташқарида ҳам эътироф этилди.

Урологлар кўп минг кишилик армияси — шифокорлар, мутахассислар ва олимларнинг одамлар фаровонлиги ва саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги олижаноб меҳнатига халқимиз муносиб баҳо беришига шубҳа қилмайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикасининг Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси Самарқанд вилоятининг 301-Қорадарё сайлов округида ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига 1992 йил 22 ноябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови натижалари тўғрисидаги округ сайлов комиссиясининг баённини кўриб чиқиб, сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 21 ва 49-моддаларига мувофиқ мазкур округдан сайланган Самарқанд шаҳрида яшовчи, Самарқанд вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Республикаси халқ депутати МАРДИЕВ Алишерни рўйхатга олди.

ҚЎРИҚ МИРЗАЧЎЛ МАРРАГА ЕТДИ

● Мирзачўл райони миришкорлари Жиззах вилоятида иккинчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини адо этганликлари ҳақида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Хўш, улар бу муваффақиятга қандай эришдилар? Сўз — район ҳокими Бегим СЕРИҚОВга:

— Деҳқон меҳнати ҳамиша серташвиш ва сермашаққат. Аммо пахтакорларимиз мавсумнинг яқин орада бу йилгидек мураккаб келганлигини эслай олмайдилар. Ўзингиз ўйланг, баҳорда, айни экин-тикин пайтида кетма-кетига дўл, жала, ёмғир қуйиб берди. Мирзачўллик дала меҳнаткашлари табиат инжиқлигига матонат ва шижоатни қарама-қарши қўйдилар. Таъбир жоиз бўлса, қайсарлик ҳам қилдилар. Шу туфайли 90 фоиз майдонга чигитни қайта экдилар. Айрим звеноларда уруғни ҳатто уч мартагача қадашга тўғри келди.

Бой берилган вақтнинг ўрнини тўлдириш осон бўлмаслигини яхши тушунардик. Районимиз заршунослари экинларни илғор агротехника қоидалари асосида табақалаштирилган усулда парваришлашди. Суғоришда эҳтиётқорлик ва омилкорлик кўрсатдилар. Аксарият майдонлар эгат оралатиб суғорилди. Ривождан орқада қолган карталарга 22 минг тонна омухта маҳаллий ўғит солинди.

Президентимиз ва республика раҳбариятининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига кўрсатаётган ғамхўрлиги ўз самарасини берди. Биз мустақил республикамизнинг яратилаётган катта ҳирмонига 45,700 тоннадан зиёд Мирзачўл пахтаси билан ҳисса қўшяпмиз. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 26,2 центнерни ташкил этди. Хом ашёнинг 31.550 тоннаси юқори навларга топширилди.

Ҳар нарса одамларга боғлиқ. Биз бугунги ғалабани азамат деҳқонларимиз-у, сув хўжалиги ходимларининг, қишлоқ хўжалиги барча мутахассисларининг зарбдор меҳнатисиз тасаввур қилолмаймиз. Улар бу йилги шароитда уддабуронлик, аҳиллик ва жипслик намуналарини намойиш қилдилар. Натижада «Янгидала» давлат хўжалигидан Мусурмон Бозоров, Серик Исломов, «Ўзбекистон» давлат хўжалигидан Абдурасул Абдуқодиров, Қудрат Тоҳиров ва Бозорбой Усмонов, «Тошкент» давлат хўжалигидан Анарбек Авулбеков, Султон Бинмбетов, «Русия» давлат хўжалигидан Муҳаммаджон Сотимов бошлиқ бригадалар 30 центнердан хирмон кўтардилар.

Лабзи ҳалол механизаторларимизга ҳам офарин-лар айтсак арзийди. Улар ялпи ҳосилнинг 92 фоизини «зангори кема»ларда териб бердилар. Муҳаммад Абдуалимов, ва Соҳибой Абдуалимов («Ўзбекистон» совхози), Ўринбосар Бакиров ва Тоғай Сейтбеков («Янгидала» совхози), Султон Байтлеуов («Тошкент» совхози), Носир Сотимов ва Рустам Барболов («Русия» совхози) каби дала гвардиячилари 170 — 250 тоннадан дурдона териб, ўзаро мусобақада карвонбошилик қилдилар.

Дастлабки, ҳисоб-китобларга қараганда районимиз бу йил қишлоқ хўжалигидан 224 миллион сўм соф фойда олиши кутилмоқда. Эндиги вазифа борлиқ ҳосилни тезроқ саранжомлаб олишдан ва келгуси йил учун пухта замин яратишдан иборатдир.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

● Қаршида Қашқадарё вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган лойиҳасини муҳокама этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов қатнашди.

● Навоий шаҳрида бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган янги лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланди. Вилоят ҳокими А. Айдарқулов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар чинакам демократия, инсон эрки ва ҳуқуқлари тўла ифода этилган Конституция лойиҳасини асосан маъқулладилар, айрим тузатиш ва ўзгартишлар киритишни таклиф этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов иштирок этди.

● Бухоро вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган янги лойиҳаси ҳақида вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров сўзга чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов иштирок этди.

(ЎзА).

Янги газета туғилмоқда. Унинг номи қандай бўлишини хоҳлайсиз?

● Ўзбекистон халқи ўзининг тарихан топган миллий ва маънавий қадриятлари билан жаҳонга машҳур. Унинг энг яхши удум ва анъаналари маҳаллалар тимсолида ўз аксини топган, изчил тарғиб қилиниб оммалаштирилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов маҳаллаларнинг одамлар ўртасида иноқлик, тотувлик ва тинчлик-осойишталигини таъминлашдаги, янги инсонни тарбиялашдаги ўрнига алоҳида эътибор бермоқда. **Президент Фармонига биноан республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси ташкил этилгани, Вазирлар Маҳкамаси ҳисобидан жамғармага 25 миллион сўм ўтказилганлиги ана шу катта ғамхўрлик, маҳаллаларга қилинаётган меҳрибонлик самарасидир.** Эндиликда маҳаллалар ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чоралари давлат йўли билан ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти.

● Маҳаллалар зиммасига юкланаётган катта вазифаларни адо этиш республикада **янги махсус матбуот нашрини ташкил этишни тақозо этмоқда. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллалар ҳаётини ёритишга мўлжалланган янги газетани чиқаришга қарор қилди.** У халқимизнинг энг яхши урф-одатлари ва анъаналарини авайлаб-асраш, бойитишга, маънавиятимиз ва маданиятимизни юксалтиришга ҳар томонлама кўмаклашиши керак. Айни пайтда янги газета кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирлар ва ёлғиз қолган кексаларга нисбатан инсонпарварлик муносабатида бўлиш ва меҳр-шафқатни дарғ тутмаслик ғояларини кенг тарғиб этишга даъват этилади. Биз янги газета бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига ёрдамлашиши ҳамда бу йўлдаги тўғаноқлар ва ҳаёт ўртага қўяётган муаммоларни кўтариб чиқиши лозим, деб ўйлаймиз.

● Албатта, ҳар бир газета ёки журналнинг ўзига хос ва мос номи бўлади. **Биз тугилажак янги газетанинг номини қўйишда сиз, азиз муштарийлар билан, маҳалла фаоллари, оқсоқоллари билан бамаслаҳат иш тутмоқчимиз. Сиз унинг номи қандай бўлишини ҳоҳлайсиз?** Ёзма таклиф ва мулоҳазаларингизни ёки телефон орқали қўнғироғингизни кутамиз. Шарти: **ҚИСҚА, ЛЎНДА, ЖОЗИБАЛИ, ЭНГ АСОСИЙСИ ЮҚОРИДА АЙТИЛГАН МАСАЛАЛАРНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТИШИ КЕРАК.**

● Энг яхши таклифлар рағбатлантирилади.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси — Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 6-уй. Телефон 32-01-69.

«Ўзбекистон овози» газетасининг таҳририяти — Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй. Телефон: 33-79-14.

РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ.
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ТАҲРИРИЯТИ.

БУГУНГИ СОНДА ЎҚИЙСИЗ:

● 1-бет:
● ПАХТАМИЗНИНГ БИР МИСҚОЛИНИ ҲАМ НОБУД ҚИЛМАЙ ЙИҒИШТИРИБ ОЛАЙЛИК!

● 2-бет:
● НАВОИЙ ВИЛОЯТИ: ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИГА ЎН МИЛЛИОН СЎМ.

«ОСИЕ БОЗОРИ» САҲИФАЛАРИДА:

● 3-бет:
● УЙ-ЖОЙЛАРНИ ХУСУСИЛАШТИРИШДА ТЎЛАНАДИГАН ТАХМИНИЙ ҲАҚ ҚАНЧА?

● 4-бет:
● МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН КОРХОНАЛАРИ МАҲСУЛОТИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ ТОПМОҚДА.

● 5-бет:
● ГИШТ ҚУЯДИГАН КЎЧМА УСКУНА.

● 6-бет:
● БОЙЛАР КЕЛАСИ ЙИЛИ ҲАМ ЙИҒЛАЙДИМИ?

● 7-бет:
● МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДХОНАСИГА БИР НАЗАР.

● 8-бет:
● УРҒОЧИ ШАЙТОНЛАР (СУД ОЧЕРКИ).
● «ШАКАР» ОПЕРАЦИЯСИДАН СЎНГ НИМА БЎЛДИ?

Навоий: Шароф Рашидов фондига 10 миллион сўм



Абдухолиқ АЙДАРҚУЛОВ,
Навоий вилояти ҳокими,
Ўзбекистон халқ депутати.

У ҲАМИША ДИЛИМИЗДА

Таниқли жамоат ва давлат арбоби Шароф Рашидов ниҳоятда камтар инсон эди. У бир кўришган ва суҳбатлашган одамни ёдда сақлаб қоларди. Худди шу синчковлик боис Шароф ака ўзи билан ишлашган кўпчиликнинг бемалол отини атаб, худди эски қадрдонлардек гаплашарди. Бу буюк инсон яратувчиликни, бунёдкорликни, ташаббускорликни жондилидан ёқтирарди.

Навқирон вилоятимизнинг бутун тарихи табаррук инсон — Шароф Рашидов номи, унинг хайрли ишлари билан боғлиқ. Аниқроғи Навоий вилоятининг ҳам, Навоий шаҳрининг ҳам бунёдкори тиниб-тинчимас Шароф акадир. Эллигинчи йилларда ҳозирги вилоятимиз маркази ўрни тап-тақир чўл, қум барханларидан иборат бўлган. 1958—59 йилларга келиб, Навоий шаҳри қурилишига киришилди. Маликчўл сийнасидаги бу шаҳар пойдеворига биринчи ғиштни заҳматкаш инсоннинг ўзи қўйган.

Нафақат Навоий шаҳри, балки асрий Қизилқум кенгликларида қад ростлаган Учқудуқ, Зарафшон шаҳарлари ҳам бевосита Ш. Рашидов номи билан чамбарчас боғлиқ. Кўпинча Шароф ака Навоий келажакнинг ажойиб, Зарафшон эса афсонавий шаҳри бўлади» деб таъкидларди. Ҳа, чиндан ҳам Зарафшон эртаклардагидек беқиёс гўзал шаҳар. Бу шаҳар қурилишига Шароф аканинг ўзи бош-қош бўлган. Бурунтоғдаги олтин, Зафаробод, Кўкчадаги уран, Учқудуқдаги ноёб қазилма бойликларидан фойдаланиш ишлари бошида ҳам у киши турган, Раҳматлининг хайрли ишларидан яна бири Амударёдан Зарафшон — Учқудуққача бўлган 210 километр масофадаги қувурли сув йўли қурилишига камарбаста бўлганлигидир. У кишининг ҳиммати, ташаббуси билан саноатчилар, олтинтопарлар диёрига обиҳаёт етиб борди.

Ҳа, яхшидан боғ қолади, деганлари шу-да! Шаҳримизга, кўплаб районларимизга асос солган бу фидокор инсон Сирдарё, Жиззах вилоятлари сингари 1982 йил апрель ойида Навоий вилоятини ҳам тиклаб берди. Узоқ келажакни ўйлаб қилинган бу хайрли ишни қарангки, вилоят ҳудудида 8 та район, 3 та шаҳарни ўз ичига олган. Бу ерда 97 миллат ва элатга мансуб бўлган 710 минг фуқаро истиқомат қилмоқда. Уларнинг самарали меҳнати туфайли жорий йилнинг ўтган ойлари давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қарийб 7,5 миллиард сўмликни ташкил этди. 400 миллион сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эса 1 миллиард сўмликдан ошиб кетди.

Шунингдек, мустақиллик йилининг ўтган даврида вилоятимиз меҳнаткашлари пилла, дон, қоракўл тери, мева тайёрлаш йиллик режаларини бажаришди. Ҳозир эса далаларимизда 125 минг тонналик пахта хирмони учун йиғим-терим ишлари қизғин давом этмоқда. Томди, Нурота, Конимех, Учқудуқ районларида 1 миллион бошдан ортиқ қўй боқилади. Бу республикамиз қўйчилигининг қарийб учдан бир ҳиссасига тенгдир. Ҳар йили ўртача 500 минг дона қоракўл тери, 4 минг тоннадан зиёд жун етиштирамиз.

Хуллас, Ш. Рашидов ташаббуси билан бунёд бўлган мазкур вилоятнинг истиқболи кенг. Агар биргина Навоийдаги саноат корхоналарининг ўзинигина ҳисоблайдиган бўлсак, айни пайтда улар сони 17 тага етди. Кон-металлургия комбинати,«Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий цемент ва электр, кимё заводлари, Навоий ГРЭСи шулар жумласидандир. Бу саноат корхоналарининг бунёд бўлишида Ш. Рашидовнинг хизмати беқиёсдир. Шу боис биз, навоийликлар у кишининг пок руҳи олдида ўзимизни қарздор, деб биламиз. Эндиликда вилоятимиздаги қатор хўжаликлар ва мактабларга бу табаррук инсон номи берилди.

Бутун республикамизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллиги тантаналарига қизғин тайёргарлик кўрилди ва зўр шодиёналик билан ўтди. Айни пайтда имкониятларимиздан келиб чиқиб, республикада ташкил этилган Шароф Рашидов фондига 10 миллион сўм ўтказишга азму қарор қилдик. Бу ташаббусни саноат корхоналари, илғор хўжаликлар аҳли, турли ташкилот ва муассасалар жамоаси бошлаб беришди. Бу — ниҳоятда савобли иш бўлиб, Ш. Рашидов руҳини шод этиши шубҳасиздир.



Навоийнинг бугунги кўриниши.

ШАРҚНИНГ ИФТИХОРИ ЭДИ

Халқимизнинг асл фарзанди, республикамизнинг собиқ сардори Шароф Рашидов чорак асрдан ортиқ республикамизга бошчилик қилиш жараёнида халқ хўжалигининг ҳамма жабҳаларида: саноатда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида, адабиёт, санъат, фан ва маданиятда катта ва салмоқли из қолдирди. Юқорида саналган соҳаларнинг ҳаммасида фақат ўсиш, ривожланиш, олға қараб тараққий этиш амалга ошди. Вилоятларда, шаҳарларда, районларда, олий ўқув юртларида, илмий-тадқиқот муассасаларида, давлат ва жамоат хўжаликларида бўлиб ўтаётган хотира йиғилишларида бу ютуқларни алоҳида қайд қилмоқдалар ва тан олмоқдалар.

Шу даврда Тошкентдек азим шаҳар бутун Шарқда ўзининг гўзаллиги, муҳташамлиги, салобати билан машҳур бўлди.

Шу даврда Навоий, Зарафшон, Учқудуқ каби янги шаҳарлар қад кўтарди.

Дарҳақиқат, республикамизнинг гуллаб-яшнаши, унинг шону-шуҳратининг етти иқлимга таралиши айнан шу, яъни Шароф Рашидов раҳбарлик қилган даврга тўғри келади.

Мадомики, шундай экан содир бўлган камчиликларни инкор этмаган ҳолда инсоф юзасидан бир нарсани очиқ ойдин айтиш лозим: шу ўтган даврни тўғрилик даври деб айтиш қанчалик ҳақиқатга тўғри келар экан? Бу ҳол, собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларига нисбатан балким тўғридир, аммо бизнинг назаримизда шу нарсани катта масъулият ва журъат билан айтиш лозимки, диёримизга нисбатан бу ижтимоий-сиёсий тамғани босиш онгли равишда адолатсизликка йўл қўйиш бўлур эди.

Бу, оддий қилиб айтганда, ўзимизга-ўзимиз туҳмат қилишимиз билан баб-баробардир.

Шароф Рашидов нафақат республикамизда, нафақат собиқ Иттифоқда, балки халқаро миқёсда ҳам жуда кўп хайрли ишларни амалга оширганининг гувоҳимиз. Айниқса, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги тарихий Тошкент учрашувида ва Тинчлик битимининг имзоланишида у кишининг шахсан иштирок ва катта ҳиссаси борлиги ўз вақтида расмий равишда эътироф этилган эди. Бу улкан сиёсий ҳодиса жаҳон тарихига Тошкент руҳи номи билан мангу кириб қолди. Бундан ташқари, 1968 йилда бошланган, Осиё, Африка ва (кейинчалик) Лотин Америкаси мамлакатларининг «Тинчлик, ижтимоий-тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида ўтаётган Тошкент Халқаро кинофестивалининг бош ташаббускори, илҳомчиси ва ташкилотчиси ҳам Ш. Рашидов эди.

У киши собиқ Иттифоқнинг халқаро алоқаларини яхшилаш ва мустаҳкамлаш борасида муайян делегацияларнинг раҳбари ёки аъзоси сифатида иштирок қилиб самарали фаолият кўрсатди.

Шароф Рашидовнинг халқаро миқёсдаги фаолияти Осиё ва Африка Халқлари бирдамлик ташкилоти, шунингдек, Осиё ва Африка Ёзувчилари ҳаракатида қилган ишларида яна ҳам яққолроқ, яна ҳам самаралироқ, яна ҳам жўшқинроқ, яна ҳам баракалироқ намоён бўлган эди. Гап шундаки, биз юқорида қайд қилган ҳар иккала ҳаракатда ҳам у киши нафақат фаоллик кўрсатган, балким шу ҳаракатларнинг қалби ҳам бўлган эдилар. Айниқса собиқ Иттифоқ раҳбарияти томонидан ушбу анжуманларга мутасадди қилиб шу киши танланганлигини алоҳида кўрсатмоқ лозим.

Бу ҳол яқинда республикамизга ташриф буюрган Осиё ва Африка Халқаро бирдамлик ташкилотининг президенти, доктор Мурод Ғолибнинг «Ўзбекистон овози» газетасининг шу йилги 14 октябрь сонида босилган газета мухбири билан қилган суҳбатида тўғри ва ҳаққоний қайд этилади. Ш. Рашидов ҳақида тўхталиб, «У ўзининг меҳнат фаолиятида юмушлари ҳаддан ташқари кўплигига қарамай Осиё ва Африка Халқаро бирдамлик ташкилотининг ишига фаолиятига доимо кўмаклашиб турар ва унинг ғоялари ер шари узра тантана қилиши учун фидойилик кўрсатарди», — деб тан олади доктор Мурод Ғолиб.

Шу ўринда, мўътабар меҳмоннинг ҳозирги пайтда муҳокама жараёнида кўтарилаётган Шароф Рашидов номида Халқаро Тинчлик мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги таклифга бўлган самимий муносабати ва уни қизғин қўллаб-қувватлаши тўғрисидаги тубандаги фикрлари ҳам бизни ниҳоятда қувонтирди ва тўлқинлантирди. «Агарда, — дейди у киши, — ана шундай мукофот—яъни Шароф Рашидов номидаги халқаро Тинчлик мукофоти бунёд этилар экан, мен бу хайрли иш учун биринчи навбатда иккала қўлимни кўтараман, муборак бўлсин, дейман. Бу зотнинг номи чиндан ҳам ана шундай мукофотлар билан юритилишга минг бор арзийди. Чунки Шароф Рашидов биргина Ўзбекистондагина эмас, балки иккала қитъа— Осиё ва Африка халқларининг тараққиёти учун ҳам ўз пайтида кўп меҳнат сарфлади. Унинг ташаббуси билан Тошкентда жуда кўп халқаро анжуманлар ўтказилганлигини яхши биламан. Тошкент халқаро кинофестивалининг ташаббускори ҳам шу киши бўлган. Бундан ташқари кўпгина мамлакатларга дўстлик сафари билан бориб, ўзининг муносиб изини қолдирган. Шароф Рашидов номидаги мукофот нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Шарқни қувонтиради, деб ифтихор билан айта оламан. У Шарқнинг ифтихори эди...».

Ҳа, Шароф Рашидов чиндан ҳам халқаро муносабатлар соҳасига ўз халқининг, ўз жумҳуриятининг шону-шуҳратини кўтариш эзгу мақсадида фидокорона меҳнатини, вақтини, имкониятини, ақл-заковатини аямади.

Ҳа, Шароф Рашидов ҳақиқатдан ҳам ўзбек халқи орасидан чиққан, халқаро миқёсда фаолият кўрсатиб танилган, катта бир мавқега, обрў-эътиборга эга бўлган биринчи арбоб эди.

Шароф Рашидовнинг халқаро миқёсдаги арбоб даражасига кўтарилганлиги ҳар бир ўзбекнинг, бутун ўзбек халқининг ғурури, шуури ва катта фахридир.

Санд ШЕРМУҲАМЕДОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

ЯККАТУТЛИК ЁШ ФЕРМЕР

• *Ишбилармонлар ҳақида ҳикоялар*

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни муаммолари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини қамраб олаётгани сир эмас. Лекин шундай мураккаб шароитда ҳам юрт маъмурчилиги деҳқон ва чорвадор кўлида эканлигини яхши билган кўплаб ишбилармон кишилар борки, улар турмушдаги тақчилликни бартараф этиш, озмикўпми маҳсулот етиштириш билан халқ ризқини яратиш илинжида қийинчиликларга бардош бериб меҳнат қилмоқдалар.

Бешариқ районида фермерлик ҳаракати бундан икки йил муқаддам бошланган бўлса, ҳозир уларнинг сони 44 тага етди. Улардан бири ёш фермер Баҳодир Темиров бўлади.

— Баҳодиржон Яккатут қишлоғининг ишчан, нияти холис йигитларидан, — деди деҳқончилик-саноат уюшмаси раисининг ўринбосари Маҳамаджон Узоқов фермер хонадонига қадам қўяр эканмиз. — У фермерлик касбини тасодифан танлагани йўқ. Яккатут «Сельмаш» заводида бинойидек ишлаб келаётган эди... Яхшиси, ўзи билан суҳбатлашиб, ҳаммасини билиб олганингиз маъқул.

Маълум бўлишича, фермер бўлишни дастлаб Баҳодирнинг дадаси — Ийномхон ака Темиров бошлаган экан. Ўғли эса ёрдамчи бўлибди. 1991 йил август ойида оила бошлиғи банкдан 100 минг сўм қарз олиб, унинг бир қисмига Олтиариқ давлат наслчилик заводидан 10 та ғунажин сотиб олибди.

Фермерлик давр талаби эканлигини Баҳодир тез тушуниб етди. Мустақиллик шарофати билан фермерларга тўла эрк берилаётган экан, нега фермер бўлмасин?! Ахир республикада ишбилармон бундай кишиларнинг эрк ва ҳуқуқлари ҳимоя остига олинган. Шунинг учун ҳам у дадаси билан гапни бир ерга қўйиб, фермер бўлишга қарор қилди. Фермер хўжалигини ўзи бошқаришга киришди. Шунга ҳам бир ярим йил бўляпти.

— Ҳозир 33 та қорамолни парвариш қиляпман, — деди Баҳодир Темиров биз билан суҳбатда. — Шунинг ярми бултур сотиб олинган бузоқлар. Шу йилнинг июнь ойидан бошлаб говмушлардан кунига 100-150 литрдан серкаймоқ сут соғиб оляпмиз. «Яккатут» давлат хўжалигидан 5 гектарли унумдор ер менга бериб қўйилган. Ёз бўйи ем-хашакни шу ердан ўриб моллларга келтирдик. Яқинда бир гуруҳ фермерлар гапни бир ерга қўйиб, қўшимча ер ажратиб беришни сўраб район ҳокимиятига мурожаат қилдик. Ҳокимият қарорига мувофиқ, ҳар бир фермер яна 10 гектар қўшимча ер оладиган бўлди.

«Деҳқончилик бир йилда, чорва қирқ йилда», деганларидек, фермерга осон тутиб бўлмайди. Рўзғори катта одамнинг ташвиши ҳам катта бўлади. Аҳир 33 та молни боқишнинг ўзи бўладими?!

Баҳодирга дадаси, онаси— Қўйсиной опа, турмуш ўртоғи—Зулфия, укалари — Нодир ва Орифжонлар барча юмушларни бажаришда ёрдамлашиб келяпти.

Қисқа вақт ичида ишлаб топилган даромаддан плуг, чизель каби ерга ишлов берувчи машина-механизмлар, асбоб-анжому қурилиш материаллари, 310 минг сўмга «Беларусь» трактори сотиб олинибди.

Фермер хонадонида парвариш қилинаётган говмушлардан соғиб олинаётган серқаймоқ сутни давлат хўжалиги ҳар литрини 12 сўмдан харид қилиб, машинада ташиб кетаётир. Сут топширишдан тушаётган бир ойлик даромад 35 минг сўмни ташкил этяпти.

— Эрта баҳордан чорва қишловини пухта ўтказишга ҳозирлик кўрдик, — деди сўзини давом эттириб ёш фермер. — Озуқа базаси мустаҳкам бўлса, фермер қийналиб қолмайди. Қишловга 15 тонна сомон, 115 тонна маккажўхори силоси ва бошқа керакли озуқани етарли миқдорда жамғариб қўйдик. Қўқондаги 4-қурилиш ташкилоти тез кунлар ичида 40 та молга мўлжалланган оғилхона ва бостирмани битказиб берса, қишловга тайёргарлик юмушларидан қутилган бўламиз.


— Кейинги пайтда Ўзбекистон Президенти фармони билан чорва маҳсулотларининг харид нархи бир неча баробар ошганлиги қишлоқ хўжалиги, шу жумладан эндигина оёққа туриб келаётган биз, фермерлар учун жуда катта ғамхўрлик деб биламан. Бозор билан давлат харид нархи ўртасидаги тафовут камайиб, фермер етиштирган маҳсулотни хўжаликка сотишдан манфаат кўрадиган бўлди. Чунки шартнома асосида давлатга сотилган чорва маҳсулотлари учун давлат хўжалиги фермерларни ем-хашак билан таъминлайди.

Биз юқорида Баҳодир Темировни ёш дедик. Бироқ ёш бўлса ҳам, кўпчиликка бош бўладиган ишига пишиқ, тадбиркор йигит. Бундайлар ҳамиша ўз манфаати ва халқ фаровонлиги учун курашиб яшайдилар.

Зоҳиржон ҲАИДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

СУРАТДА: Фарғона вилояти Бешариқ район деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси ўринбосари М. Узоқов фермер Б. Темировга маслаҳат бермоқда.

Муаллиф олган сурат.



ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТЛАРИ— ХЖТ АЪЗОЛАРИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Халқаро Журналистлар ташкилоти (ХЖТ)нинг тўла ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилинди. ХЖТ Президенти Армандо Ролленберг билан ХЖТ Бош котиби Жеюар Гатино шундан расмий равишда хабардор қилдилар.

, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарувининг раиси Лутфулла Кабиров ХЖТга аъзо бўлишнинг фойдаси ҳақида қуйидагиларни айтди.

— Аввало, дунёнинг 103 мамлакатидаги 250 мингдан ортиқ журналистни бирлаштирувчи мўътабар халқаро ташкилот бизнинг уюшмамизни тан олганлигининг ўзи муҳимдир. Ролленберг жаноблари ўз мактубида мустақил эркин ташкилот сифатида миллий уюшмамиз қарор топаётганлигининг ўзи муҳимлигини таъкидлади. Гап шундаки, фақат шундай ташкилотгина ХЖТнинг аъзоси бўлиши мумкин. Ҳозирги кунгача фақат Россия, Украина ва Ўзбекистон журналистлар уюшмаларигина ХЖТнинг тўла ҳуқуқли аъзолари қилиб қабул этилган.

Хўш, унинг қандай нафи бор? Мазкур ташкилотнинг халқаро дастурларида қатнаша бошлаймиз. Чет элларга жўнаб кетувчи ўзбек журналистлари энди ташкилотларнинг аъзолари яшовчи барча мамлакатларда ХЖТнинг ҳимояси ва маддадидан фойдаланадилар. Бу ҳақда биз тегишли ҳужжатлар берамиз. ХЖТнинг ёрдами билан биз бошқа мамлакатларнинг журналист ташкилотлари билан бевосита алоқа ўрнатишимиз осон бўлади.

Бунинг устига биз Ўзбекистон Республикасининг ички ишларига аралашишни ўзига эп кўрган хорижий матбуот ноширларига фаолроқ таъсир ўтказа оламиз.

Келгуси йилнинг августида биз ХЖТнинг мадади билан Тошкентда оммавий ахборот воситаларида экология масалаларининг ёритилиши муаммоларига бағишланган Халқаро семинар ўтказишни режалаштиряпмиз.

— Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.

— Биз барча оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳимоя қилиш мақсадини кўзлаяпмиз. Давлат идоралари, Республика Президенти И. А. Каримов бу мақсадимизни тўла-тўкис маъқулламоқдалар.

Шу йилнинг бошларида биз барча газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари иштирокида катта кенгаш ўтказдик. Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Эркин Самандаров ҳам таклиф этилди. У журналистларнинг барча таклифларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлади. Тез орада Республика Президентининг бозор муносабатларига ўтиш шароитида оммавий ахборот воситаларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Бироз вақт ўтгач, Президентнинг ижодий ташкилотларнинг ходимларига, шу жумладан журналистларга ҳам уй-жойни хусусий мулк қилиб бепул топшириш ҳақида бошқа бир фармони чиқди. Ҳозир Ўзбекистон ҳукумати Тошкентда ва вилоят марказларида ижодкор ёшлар учун бир неча уй қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Оммавий ахборот воситаларининг ёш ходимлари ҳам шу уйлардан фойдаланишлари мумкин.

Яна бир гап. Биз Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолик билетларини айирбошлашга киришдик. Энди ундаги ёзувлар Ўзбекистон давлат тилида ва инглиз тилида бўлади. Биринчи галда биз янги билетларни фахрийларимизга, энди халқаро майдонга чиққан ижодий уюшмамиз пойдеворига дастлабки ғиштларни қўйган азиз оқсоқолларимизга топширамиз.

(ЎзА).

ЭҲТИЁЖГА ЯРАША

● **Муборак газни қайта ишлаш заводи мамлакатимиз ва Ўрта Осиё республикаларининг йирик марказий шаҳарларини иссиқлик билан таъминлайдиган улкан корхона ҳисобланади. Завод электростанциялар ва саноат корхоналарига эҳтиёжга яраша тозаланган газ, кимё комбинатларига эса узлуксиз олтингугурт етказиб бермоқда.**

Айни пайтда цехларда иш қизғин. Ишчиларнинг ғайрати туфайли суткасига 60 миллион кубометргача тозаланган газ ишлаб чиқариляпти.

Мамлакат халқ хўжалигида «зангори олов» ва олтингугуртга бўлган талаб ошиб бормоқда. Буни ҳисобга олган газчилар корхона қувватини янада оширишни мўлжаллашаяпти. Йил охиригача янги 12-блок фойдаланишга топширилади. Шунда завод сменада қўшимча 2,2 миллион кубометр тозаланган газ ишлаб чиқариш имкониятига эришади.

АССОЦИАЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ колхоз ва совхозларда етиштирилган режадаги пахта, пилла, жун, қоракўл терининг бир қисми ва режадан ташқари ишлаб чиқарилган шундай маҳсулотлар энди ассоциация орқали сотиладиган бўлди. Қашқадарё вилоятида ҳам ассоциация ташкил этилиб иш бошлади.**

Ассоциация тузилишига бағишланган йиғилишда унинг бошқарув органи сайланди. Низомни тасдиқлади. Бундан кейин вилоят районларидаги 230 га яқин давлат ва жамоа хўжалиги бу ташкилот билан узвий алоқада бўлиб ишлайди. Бурунги йиллардагидек маҳсулотни сотишда чалкашлик ва арзон-гаровчиликка йўл қўйилмаслиги, энг муҳими, ассоциация хўжалик раҳбарларига тегишли қулайликлар яратиши керак.

Мусо КАРОМОВ.

ЯНГИ НАШРЛАР

Иймон ва эътиқод инсонга йўлдош

«МОВАРОУННАҲР» мусулмонлар идорасининг раиси, муфти Муҳаммадсодиқ МУҲАММАД ЮСУФнинг «Шоядки тақводор бўлсак» номли китоби Чўлпон нашриётида чоп этилди. Муфтининг навбатдаги бу китоби ислом дини ҳақида совет давридаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.



У жуда тўғри таъкидлаб ўтганидек, муқаддас китобимиз — Қуръони Карим кўпгина чет эл тилларида ҳатто рус тилида нашр этилганидан кейингина республикамизнинг мустақиллиги шарофати билан биринчи марта ўзбек тилида чоп этилди. «Шоядки тақводор бўлсак» китоби муаллифнинг пурҳикмат маъруза ва мақолалари, суҳбатларини ўз ичига олган. Уларда дин, шариат аҳкомлари оммабоп қилиб тушунтирилган. Кишилар тўғри йўлга даъват этилган. Китобда муфтининг 1989—1991 йилларда газета ва журналларда босилган мақолалари ва суҳбатлари жамланган. Бу мақолалар ҳозирги даврдаги барча муҳим воқеаларга ўз муносабатини билдиради ва улар ҳозир ҳам ибратли. Пайғамбаримиз ўзларининг Ҳадиси шарифларида шундай васият қилган эканлар: «Сизларга икки нарсани қолдириб кетмоқдаман. Агар сизлар уларни маҳкам тутиб борсаларингиз, зинҳор адашмайсизлар. У икки нарсанинг бири — Қуръони Карим, иккинчиси — Суннати набавийя». Пайғамбаримизга илоҳий ваҳий нозил бўлиши билан дарҳол уни одамларга эшиттирар ва қозилик, муфтилик ҳатто иқтисодий ва сиёсий тарғибот ишларига ҳам ўзлари мутасаддилик қилар эдилар. Вафотларидан сўнг ваҳийнинг келиши ҳам тўхтади. Мусулмонларга Қуръони Карим ва суннати шарифи қолди. Саҳобалар ва уларнинг издошлари Аллоҳнинг буйруғига биноан Расулуллоҳнинг келтирган барча аҳком ва арконларини чин ихлос билан маҳкам тутиб уларга амал қилдилар. Мана неча асрдирки, Ислом дини бутун Ер юзи бўйлаб тарқалди.

Муфти Муҳаммадсодиқ Муҳаммад Юсуф ўз китобида шу қадар бой маълумотлар берадики, улар кенг ўқувчилар оммаси учун жуда катта маънавий озуқадир. «Муҳтарам биродарлар!, — деб мурожаат қилади у. — Аллоҳ буюрганидек ва Расулуллоҳ васият қилганларидек, биродарлашган Ислом уммати бўлишимиз керак. Динимизни маҳкам тутиб бўлинмаган ҳолда Расулуллоҳнинг суннатларига иқтидо қилиб яшашимиз лозим. Жаноби Роббил аъламин буюрганидек, пайғамбаримизнинг келтирган барча фармонларига итоат этиб, кайтарган нарсаларидан қайтишимиз вожиб бўлади. Биз мусулмонлар диний, аҳлоқий муаммоларимизни ҳам Қуръони Карим ва суннати расулуллоҳ таълимотларига суянган ҳолда ҳал этиб боришимиз зарур. Шундагина Парвардигор ҳам бизлардан рози бўладилар. Шунинг учун ҳам Ҳадиси шарифларни ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳозирги кунда яна ҳам катта аҳамият касб этади».

Муаллиф китобнинг бир бобига «Бўлиниш эмас, бирлашиш йўлини изламоқ керак» деб бежиз сарлавҳа қўймаган. Иймон ва эътиқод инсонга йўлдош бўлса, у ҳеч қачон йўлдан адашмайди. Ҳамиша яхшиликка, эзгуликка интилади. «Илматлар дояси» бобида ҳақконий таъкидланганидек, ислом таълимоти инсоннинг барча фаолиятини тўғри йўлга солиш, уни гўзал ва намунали мақомда шаклланишга даъват этади. Афсуски, бу илоҳий таълимот ҳамма томонидан бирдек муҳаббат билан ўзлаштирилмади, унинг йўриқларига етарли амал қилинмади, бунинг оқибатида одамлар кутилмаган гўсиқларга, қийинчиликларга, ғам-андуҳларга кўпроқ дучор бўлдилар. «Исломда тарки дунёчилик йўқ», «Зино иймондан эмас», «Рисоладаги хотин», «Рисоладаги эр», «Иймонсизлик жиноят манбаи» ва бошқа боблар ҳам ислом динининг эзгулик нурларини кенг ёйишга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, муфтининг бу янги китоби аввалгиларини янада тўлдирган ва бойитган.

Ҳамид ИКРОМОВ.

Инсоф сари барака!

Осиё бозори

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ИЛОВАСИ

1992 йил 27 ноябрь, жума № 3

• «Осиё бозори»дан жаҳон бозори сари •

ТЕЗ, АРЗОН ВА ҚУЛАЙ

Азиз газетхон! Мана сиз «Осиё бозори» ахборот-тижорат газетасининг 3-сони билан таништмоқдасиз. «Осиё бозори» газетаси том маънода ҳақиқий ахборот-тижорат газетасидир. Унда ҳамма учун фойдали эълонлар, билдирувлар, ахборотлар, рекламалар, шахсий билдирувлар чоп этилади. Бундан ташқари «Энг, энг...» рукни остида энг қизиқарли материаллар билан танишасиз.

Қадрли муштарий! Мабодо Сиз ўз қадрдонингизни, ота-онангизни, акаука ёки синглингизни туғилган куни билан муборакбод этмоқчи бўлсангиз, марҳамат «Осиё бозори» Сизнинг хизматингизда. У Сизнинг эълон ва билдирувларингизни энг арзон нархда тез ва соз, кўнглингиз истаган ҳолда чоп этади.

«Осиё бозори»дан маънавий қадриятларимиз учун, ўтганларни ёд этиш учун алоҳида жой ажратилган. Улар «Ёднома» рукни остида ҳам бериб борилади. «Осиё бозори» ҳар қандай реклама учун энг қулай ва арзон газетадир.

Сиз жаҳон бозорига фақат «Осиё бозори» орқали чиқишингиз мумкин.

У ҳар қандай корхонанинг ва меҳнат жамоасининг ишини нафақат Ўрта Осиёга, балки Қозоғистон ва қолаверса МДҲ давлатларига ва бутун жаҳонга кўз-кўз қила олади. Сиз «Осиё бозори» орқали ўзингизга шерик, ҳомий ва муассислар топишингиз мумкин. Ундаги эълонларни миллионлаб кишилар ўқишга муваффақ бўлади.

«Осиё бозори» ҳар қандай снёсатдан ҳоли бўлган, ахборот-тижорат ишларига кенг бағрини очган чин маънодаги реклама газетасидир.

«Осиё бозори» республикамизда отахон газета бўлмиш «Ўзбекистон овози» газетаси бағрида вужудга келди. Газетамиз иқтисодиётривожининг замини бўлган бозор муносабатлари масалаларини рўйи-рост ёритиб, республикамизда оқил ишбилармонлар, тадбиркорлар сафини кенгайтиришга ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

«Осиё бозори»га марҳамат. Сиз бизга барча масалаларда 33-76-04, 32-53-15, 32-54-14, 32-57-19, 33-38-55 телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Эълон ва билдирувларингизни кутамиз.

«ТУРКИСТОН» БИРЖАСИ КУМАГИДА СИЗ АВТОМОБИЛЛАР, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ ВА УЛАРГА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ, ШУНИНГДЕК, БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ, МЕТАЛЛ БУЮМЛАРИ, ТЕХНОЛОГИК АСБОБ-УСКУНАЛАР, ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ОЛДИ-СОТТИСИ БЎЙИЧА ЎЗАРО МАНФААТЛИ БИТИМЛАР ТУЗИШИНГИЗ МУМКИН.

САВДО ИИҒИМИ ҲАҚИ БОШҚА БИРЖАЛАРГА ҚАРАГАНДА КАМ.

«ТУРКИСТОН»

ЎРТА ОСИЁ МИНТАҚАЛАРАРО ТОВАР-ХОМ АШЁ ВА ФОНД БИРЖАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «БИРЖАЛАР ВА БИРЖАВИЙ ФАОЛИЯТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИГА МУВОФИҚ РЕСПУБЛИКА АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ҚАЙТА РЎЙХАТДАН ЎТДИ.

БИРЖА БОШҚАРУВИНИНГ РАЙИСИ — М. А. ХУДОЙҚУЛИЕВА.

ИЖРОИЯ ДИРЕКТОР — Б. Ж. СОБИРОВ.

«ТУРКИСТОН» ДА САВДО-СОТИҚЛАР ҲАР ПАЙШАНБА КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР, АБАЙ КЎЧАСИ 4-«а» УЙДА ЭРТАЛАБ СОАТ 10дан ЎТКАЗИЛАДИ.

АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ: 44-09-00; 44-61-94; 44-52-05.

ФАКС: 44-61-94.

«ТУРКИСТОН» БИРЖАСИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК — БУ СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗДИР!

• Мустақиллик уфқлари

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ —КОНИ ФОЙДА

Сир эмас, республика мустақилликка эришгач, ўзбек ишбилармонларининг чет эл мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришлари учун кенг уфқлар очилди. Ўлкамизда ҳам ҳориждан андоза олиб, қўшма корхона ва фирмалар ташкил этишга эътибор кучайди.

Тўғри, илгари ҳам ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланувчи қатор фирма ва ташкилотлар мавжуд эди. Бироқ уларнинг кўпчилиги собиқ Иттифоқ «маркази» ихтиёрида бўлиб, эркин фаолият кўрсатиш имконияти йўқ эди. Уша пайтда ўзбек ишбилармонлари топган фойданинг «каймоғи»ни московлик «ишбилармонлар» олишарди.

Мана, биргина «Ўзсаноатмашимпэкс» бирлашмасини олайлик. Ушбу фирма 1990 йилда ташкил этилган бўлса, республика мустақилликка эришгунга қадар қўл-оёғи боғлиқ бўлиб келди. Фақат истиқлол туфайли эркинликка эришди. Бирлашма Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳузурида фаолият кўрсата бошлагач, мустақилликнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Яқин-яқиндан бошлаб эса бу бирлашма вакиллари билан жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари ишбилармонлари ҳисоблашадиган бўлиб қолишди. Тўғри-да, ишнинг кўзини биладиган тадбиркор билан алоқа боғлашга не етсин.

Албатта, биргина тадбиркорлик ҳислати бўлгани учун алоқа ўрнатилмайди. Хорижликларни бизнинг ўлкамиз ишбилармонлари билан ҳамкорлик ўрнатишга ундайдиган муҳим объектив сабаблар кўп. Булардан энг биринчиси — Ўзбекистон мислсиз даражада табиий хом ашё бойликларига эга экани. Кейин бу ўлкада ишлаб чиқариш кучлари ҳам бисёр.

— Ўз навбатида бизни ҳам оҳанграбо янглиғ тортаётган сабаблар бор, — дейди «Ўзсаноатмашимпэкс» ташқи савдо бирлашмаси бош директори Зафар Исломов. — Маълумки, дунёнинг бир қатор давлатлари фан-техника бобида жуда тараққий этган. Дейлик, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, ГФР, Франция, Италия шулар жумласидандир. Хом ашёга бой бўлган юртимизда уларнинг замонавий технологиясини жорий этиш, фан-техника ютуқларига асосланган тажрибасини ўрганиш бизга кони фойда. Шу боис, тезроқ хориж ишбилармонлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга интиляпмиз.

Бирлашма олдида турган асосий вазифа республика халқ хўжалиги барча тармоқларини четдан келтирилган замонавий машина-механизмлар, технология ускуналари билан таъминлашдан иборат, Айтиш керакки, 1991 йили ва шу йилнинг ўтган даври мобайнида бу йўлда бир қатор хайрли тадбирлар амалга оширилди, хорижий фирмалар билан самарали шартномалар имзоланди.

Мана, биргина мисол. Ўтган йили айни шу бирлашма вакилларининг ташаббуси натижаси ўлароқ Испаниянинг «Фаберсанитас» фирмаси билан битим тузилиб, Тошкентда бир марта ишлатиладиган шприцлар тайёрловчи Ўзбекистон — Испания қўшма корхонаси ишга туширилди. Ҳозир бу ерда йилига бир миллион дона шприц ва бошқа медицина жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шу йилнинг ёзида яна бир соҳада ҳамкорлик ўрнатилди. Японияннинг жаҳонда машҳур «Нек» фирмаси республикамизда Ер йўлдоши ёрдамида қитъалараро телефон алоқасини йўлга қўйиб берадиган бўлди.

Яқинда ўзбек ишбилармонлари Франциянинг «Марсо-Алмарин» фирмаси билан ўзаро фойдали битим имзоладилар. Унга кўра французлар ҳамкорлигида Фарғона вилоятининг Олтиариқ районида жунни қайта ишлайдиган корхона барпо этилади. Хорижий шериклар ушбу корхонани замонавий технология ускуналари билан таъминлашади.

Маълумки, кейинги пайтда туркиялик қардошларимиз билан иқтисодий алоқалар ривожланиб бормоқда. Айниқса, қардошларимизнинг Ўзбекистон иқтисодиётини оёққа турғазиш учун ажратилаётган инвестиция (сармоя)лари бизга қўл келмоқда. Яқинда бирлашма бир гуруҳ мутахассислари Туркияда бўлиб қайтишди. Улар туркиялик шериклар билан биргаликда Хоразм вилоятида қанд ва қоғоз ишлаб чиқарувчи заводлар қуришга келишиб олдилар.

Хуллас, бирлашма ишбилармонлари амалга ошираётган хайрли ишлар ҳақида айтаверса гап кўп. Лекин шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш зарур: республикамизда тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўллар очилган. Шахсан Президентимиз И. Каримовнинг ташаббуси билан ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватловчи бир қатор Қонун ва Фармонлар қабул қилинган. Бу, албатта ишбилармонларимизни янги саъй-ҳаракатлар сари ундамоқда.

— Мустақил давлат сифатида жаҳонга энди юз қаратяпмиз, — дейди Зафар Исломов. — Бинобарин, олдимизда улкан вазифалар турибди. Ҳозирги пайтда дунё бозоридаги талаб ва истакларни билиб иш тутадиган пайт келди. Аниқроғи, хом ашё сотишдан кўра тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга тезроқ ўтганимиз маъқул. Бугунги кунда ҳукуматнинг ҳам, ишбилармонларнинг ҳам эътибори шунга қаратилаётгани айни муддао бўлмоқда. Албатта, бу йўлда қийинчиликларга дучор бўлиш мумкин. Лекин ҳозир океан ортидаги мамлакат ёки ривожланган Оврўпо давлатларидан ёрдам кутиб турмасдан ўзимиз уларга пешвоз чиқишимиз, зарур бўлса шартларимизни қўйишимиз керак.

Ҳақ гап. Негаки, мустақил Ўзбекистонимиз жаҳоннинг ҳар қандай мамлакати билан тенгма-тенг алоқа ўрнатиши учун етарли салоҳиятга эга. Ўлкамиз хом ашёга бой, халқимиз меҳнаткаш. Энг муҳими, юртимизда тинч тотувлик, барқарор вазият ҳукмрон. Шундай экан, тез орада жаҳон бозорида тайёр маҳсулотларимиз билан иштирок этиш бахтига муяссар бўлишимиз тайин.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
А. БОЛИЕВ.

*

● Савдо-сотиқда кўп қасам ичишдан сақланинглар. Зеро, у олдин кўпайтириб, сўнг барбод қилади.

«Ҳадис»лардан.

*

ШИФОКОР ЭМАС, КОДЕКС АЙБДОР

Тузалиб кетишига умид бўлмаган беморга атайлаб ўлдирувчи укол қилган инглиз шифокори ўзининг тиббий фаолиятини давом эттириш учун рухсат олди.

Қотиллик қилишга уринганликда айбланган шифокор Нигел Кох сентябрь ойида бўлган судда бир йил қамоқ жазосига ҳукм этилган эди. Бироқ у ўзининг айбдор эмаслигига тиббиёт касб одоби комитетини ишонтирди. Кохнинг ҳамкасблари шифокор қоида чегарасидан чиқиб кетган, бироқ айбдор у эмас, балки тузалмас касалликка гирифтор бўлган беморнинг илтимосини қондириб, уни азобдан қутқариш ҳолларини жиноят деб ҳисобловчи кодекс айбдор, деган хулосага келишди.

Бу аёл 30 йилдан бери ана шу касаллик билан азоб чеккан эди.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР УЙ-ЖОЙ ФОНДИ КВАРТИРАЛАРИНИНГ ҚУРИЛГАН ЙИЛЛАРИ ВА ТИПЛАРИНИНГ УЙ-ЖОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ СИФАТИ ҲИСОБГА ОЛИНГАН ҲОЛДАГИ ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Қурилган йиллар	Умумий майдон 1 кв. м.нинг қиймати (сўм) баланс қиймати бўйича	фойдаланиш коэффициенти ҳисобга олинган ҳолда	Бир квартиранинг фойдаланиш коэффициенти ҳисобга олинган ҳолдаги ўртача қиймати бир хонали	икки хонали	уч хонали	тўрт хонали	беш хонали ва ундан кўп
1	2	3	4	5	6	7	8
1940 йилгача	130,0	149,5	3496	5217	8259	10003	11464
1940—1950 йй.	135,0	155,3	3423	5204	8342	10100	11548
1951—1960 йй.	140,0	161,0	4390	7072	11733	11784	14514
1961—1970 йй.	155,0	178,3	4760	7939	13123	13467	15445
1971—1980 йй.	170,0	195,5	5991	9108	14599	17676	20271
1981—1990 йй.	181,7	208,9	6304	11103	17797	21548	24712
1991 й.	187,3	215,4	11041	15266	24471	29628	33979
1992 й.	1545,7	1777,5	58657	85543	115537	142200	177750



— Илоё, бозорларимизга қут ва барака бўлсин!

Содиқ МАҲКАМОВ олган сурат.

• Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки—70 ёшда •

ТАЯНЧ

Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки шу кунларда қўш санани: ўз фаолиятининг 70 йиллигини ва акционерлик-тижорат банки сифатида иш кўраётганлигининг бир йиллигини нишонламоқда. Мустақил республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш ва ташкил этишда банкимиз ҳиссаси катта. Зеро, банкнинг мақсади, унинг низомида белгилаб қўйилганидек, қарз бериш, молиявий таъминлаш, ҳисоб-китоблар ва бошқа банк хизматлари кўрсатиш орқали халқ хўжалиги таркибини қайта қуриш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника ютуқларини жорий этиш, хусусий ишбилармонлик, акционерлик жамиятлари ва хўжалик юритишнинг бошқа самарали шаклларини ривожлантириш, банк муассасаларининг корхоналар ва ташкилотлар хўжалик-молиявий фаолияти пировард натижаларини яхшилаш учун иқтисодий таъсир ўтказиш орқали республика иқтисодиётини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишдир.

Ҳозир таъсисчиларимиз ва акционерларимизнинг умумий сони 5 мингдан ортади. Банк низом фондига киритилган салкам 2 миллиард сўм уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Самолётсозлик Олмалиқ ва Навоий конметаллургия комбинатлари, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Главташкентстрой» каби қудратли саноат корхоналари саноат-қурилиш банкининг таъсисчиларидир.

Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги оғир даврида банк ўз куч-ғайратини аввало халқ хўжалигининг асосий тармоқларини қўллаб қувватлашга қаратмоқда. Шу мақсадда жорий йилнинг ўзидагина банк кредитлари ҳажми 3,2 марта ошиб, 120 миллиард сўмни ташкил этди. Шунинг қарийб ярми ўрта ва узоқ муддатли кредитлардир. Банк 17 мингта мижозга хизмат кўрсатмоқда. Улар республика халқ хўжалигининг қарийб барча тармоқлари — корхоналар, давлат ва турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар, шунингдек тижорат банклари, хусусий кишилардир.

Аниқ мақсадли инвестиция сиёсатини ўтказиш орқали хўжалик юритишнинг янги шаклларини қарор топтириш ва ривожлантиришга, юқори сифатли ўта тақчил маҳсулотларни ишлаб чиқаришга кўмаклашишга интиляпмиз. Шу аснода ички бозорни бойитибгина қолмай, аҳолини иш билан бандлик муаммосини ҳам ҳал этаяпмиз. Бунга банкимизга ҳаммуассис бўлган «Туркистон» интернешнл» қўшма корхонаси ёрқин мисолдир.

Банкнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳам тобора кенгайиб боряпти. Барча шаклдаги мулкчилик мижозларига валюта хизмати кўрсатиш, валюта ҳисоблари, валюта кредитлари, халқаро ҳисоб-китоблар ва бошқаларни олиб бориш каби муҳим масалалар ҳал этилаётир. Ҳозирдаёқ биз «Свисе Банк корпорейшн», «Дойче банк», «Дрезднер Банк» «Сити Банк оф Америка» каби 34 та хорижий банклар билан тўғридан-тўғри ишлаяпмиз. Халқаро ҳисоб-китобларни жадаллаштириш мақсадида «Свифт» халқаро жамиятига аъзо бўлиш устида изчил иш олиб борилмоқда. Унга аъзо бўлиш банкка барча операцияларни халқаро ҳисоб-китоблар бўйича олиб бориб банк бўлимлари билан йўлдош алоқаси канали орқали ишлашга имкон беради. Кейинчалик «Свифт» тизими халқаро валюта кредит бозорида операцияларни амалга оширишда ҳам қулайлик яратади. Шунингдек, ҳозир Рейтер агентлиги алоқа хизмати халқаро ахборот каналларига қўшилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилмоқда.

Банкимиз ходимлари ўз мижозларига юксак даражада хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда ўтган бир ярим йил ичида 136 та омонат кассаси қурилди, мослаштирилди ва очилди. 91,3 минг киши уларнинг омонатчиларидир. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида Бухоро, Зарафшон, Қўқон, Ғазалкент, Асакада замонавий талабларга мос келувчи янги хизмат бинолари ишга туширилди. Ҳозир эса Ғаллаорол да, Тошкентнинг Чилонзор, Сирғали, Юнусобод, Миробод ноҳияларида шундай бинолар бунёд этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси банк асосий фондлари ошишига имкон яратди. Ўз навбатида банк ходимларининг ижтимоий аҳволини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда энг асосий турмуш муаммоларидан бири — уй-жой билан таъминлаш масаласини ҳал этишда кўпгина ишлар қилинди. Банк раҳбарияти республикамиздаги хайрия тадбирларида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ишнинг кўзини билиб ишлаш, замон билан ҳамқадам бўлиш Ўзбекистон Саноат-қурилиш банкининг бугунги тимсолини белгилаб мақда.

Т. АЗИМОВ,
Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган бинокор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1992 йил 25 ноябрдан республика ҳудудида сўмга нисбатан чет эл валютасининг қуйидаги курси ўрнатилганлигини хабар қилади.

1 Австралия доллари	308 сўм 70 тийин
1 Австрия шиллинги	39 сўм 99 тийин
1 Англия фунт стерлинги	684 сўм 45 тийин
10 Бельгия франки	138 сўм 02 тийин
1 немис маркаси	282 сўм 57 тийин
1 голланд гульденги	251 сўм 05 тийин
1 Дания кроні	72 сўм 47 тийин
100 Италия лираси	32 сўм 55 тийин
1 Канада доллари	348 сўм 00 тийин
1 Норвегия кроні	69 сўм 12 тийин
1 АҚШ доллари	450 сўм 00 тийин
1 Финляндия маркаси	88 сўм 18 тийин
1 француз франки	83 сўм 13 тийин
1 швед кроні	67 сўм 03 тийин
1 Швецария франки	314 сўм 69 тийин
1 Япония иени	36 сўм 30 тийин
1 ЭКЮ	552 сўм 47 тийин
10 испан песети	38 сўм 60 тийин
10 Греция драхми	21 сўм 70 тийин
1 Ирландия фунти	737 сўм 06 тийин
1 Исландия кроні	7 сўм 09 тийин
1 Қувайт динори	1515 сўм 15 тийин
10 Ливан фунти	2 сўм 40 тийин
10 Португалия эскудоси	31 сўм 59 тийин
1 Сингапур доллари	275 сўм 18 тийин
10 Туркия лираси	0 сўм 55 тийин

1992 йил 5-9 декабр кунлари

Узэкспоцентр
(собиқ ВДНХ) да

ИМБАТ
Турк ширкати

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг "ИНТЕРСЕРВИС" ширкати ҳамкорлигида савдо кўргазмаси ўтказилади.

Кўргазма 3 декабр соат 11.00 очилади.
Кўргазмага таклифномалар билан кирилади.
Таклифномаларни "ИНТЕРСЕРВИС" ширкати орқали олиш мумкин.

Манзилгоҳимиз: ☎ 68-72-52
Буюк Ипак йўли,75 ☎ 68-75-11

• МУСТАҚИЛЛИК ИШЧАНЛИКНИ ЁҚТИРАДИ •

ЖАҲОН БОЗОРИНИ КЎЗЛАБ

Ҳозир ҳеч кимга осон тутадиган замон эмас. Ишнинг кўзини билиб, ташаббус кўрсатиб ишлаган, отини вақтида қамчилаган ютади. Бундан ўзига, меҳнат жамоасига, қолаверса эл-юртига ҳам катта наф келади.

Тўғри, бозор иқтисодиёти ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ўз ҳукмини ўтказмоқда. Собиқ Иттифоқ парчаланиши натижасида социализмнинг «буюк неъмати»бўлмиш маъмурий-буйруқбозлик тизими билан михлаб қўйилган режавий-иқтисодий алоқалар ҳам чок-чокидан сўкилиб кетди. Хом ашё тақчиллиги корхоналар ва ташкилотларни катта-кичиклигидан қатъи назар — баб-баравар ёқасидан олмоқда. Лекин халқимиз айтганидек, қалови топган қорни ҳам ёндиради. Мустақиллик шарофати билан ўзлигини таниган юртимиз ишбилармонлари халқ манфаати йўлида жон куйдиришмоқда. Дарҳақиқат, энди замон — ишбилармон, олисни кўра оладиган тадбиркор кишиларники. Шу боис ҳам республикамизнинг кўпгина саноат корхоналари мавжуд иқтисодий қийинчиликлардан чиқиш йўлларини топиб, меҳнат жамоалари иш маромини сақлаш ва оширишга муваффақ бўлишаётгани бежиз эмас. Тошкент агрегат заводи шундай меҳнат жамоаларидандир.




Завод директорининг ўринбосари Баҳодир Пайзиев режалаш бўлими катта иқтисодчиси А. Старавойтова билан компьютердаги маълумотлар орқали танишмоқда.

Агар корхона тарихига назар ташласангиз, у ўзи ташкил топган 1955 йилда учта ишлаб чиқариш бинои-ю бор-йўғи юстагина техника ускунасидан иборат бўлган. Кичик меҳнат жамоаси даставвал землесос қурилмаларини ишлаб чиқара бошлади.

1959 йилда Ўзбекистон пахтачилиги тарихида илк бор 3 миллион тонналик марра эгалланган сўнг чопиқ тракторлари, пахта териш машиналарини ишлаб чиқаришга эҳтиёж сезилди. Ана шунда агрегатчилар зиммасига уларнинг қисмларини ишлаб чиқариш вазифаси юклатилди. Ўшандан буён заводда тракторлар учун олдинги ва орқа кўприклар, редукторлар ва бошқа қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Деҳқонлар ва пахтакорлар оғирини енгил қилишда агрегатчиларнинг ҳиссаси ҳам катта.

— Корхонамиз ишлаб чиқариши учун зарур бўлган жами хом ашёнинг 90 фоизидан ортиқроғи четдан келтирилади, — дейди завод моддий-техника таъминоти бўлими бошлиғининг ўринбосари Миролим Иноятов. — Иқтисодий алоқалар узилган, боз устига нарх-наво ошиб бораётган шароитда хом ашё масаласини ҳал этиш йўлларини




Автомобиль ғилдираги шинасини бортдан ажратиш асбоби.

қидиряпмиз. Таъминотчилар ҳам анойилардан эмас. Улар мол айирбошлаш ҳисобига бизга металл юборишмоқда. Сир эмас, арзимаган кичик бир мурувватни келтириш ҳам мушкул масала бўлиб қолган. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда заводимиз директорининг ўринбосари Баҳодир Обидович Пайзиевнинг ҳиссаси катта. Уни кўпчилик ишнинг кўзини биладиган, талабчан ва айни чоғда одамлар қалбига йўл топа оладиган меҳрибон раҳбар дейишади.

Дарҳақиқат, бу гапларда жон бор. Баҳодир Пайзиев ўзининг бутун ҳаётини завод билан боғлаган. 1966 йилда у меҳнат жамоасига оддий ишчи сифатида қўшилди. Ўз меҳнати билан ҳақли равишда обрў орттирди. У оддий ишчиликдан завод директори ўринбосаригача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди. Фаҳрий ёрлиқлар, 1981 йилда «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган. Яқинда Б. Пайзиев «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» деган юксак унвонга сазовор бўлди.


Агрегат заводида кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва ички бозорни тақчил моллар билан тўлдиришга асосий вазифа деб қаралмоқда. Жамоанинг тадбиркорлиги ва фидокорона меҳнати самарали натижалар беряпти. «Қуёнча» болалар велосипеди, самокатлар, уй ва дала юмушларига мўлжалланган ихчам йиғма нарвонлар наинки ўзимизда, балки МДҲ мамлакатларида ҳам машҳур бўлиб



Трактор кўприги.

кетди. Корхонанинг яқинда ўзлаштирган яна бир янгилиги — миллий услубдаги йиғма курсига хориждан кўплаб харидорлар чиқмоқда, буюртмалар тушмоқда.

Дарҳақиқат, заводнинг халқ истеъмоли молларига собиқ республикаларда, хорижий мамлакатларда харидорлар иштиёқманд. Бу — нур устига нур. Лекин афсуски, завод ўз моллари-



Таъминот бўлими бошлиғининг ўринбосари М. Иноятов ва тақсимот бўлими бошлиғи А. Отахонов янги маҳсулот намуналарининг сифатини кўздан кечирмоқда.


ни ташқи бозорга чиқариш учун лицензия олиш масаласида қийинчиликка дуч келмоқда.

— Бу йил Калининград вилоятининг «Балтика» савдо фирмаси, Қозоғистоннинг «Крамдо Дост» корпорацияси ва Грузиянинг «Квемо Картли» тижорат-акционерлик фирмаси билан ўзаро мол айирбошлаш тўғрисида битимлар тузган эдик, — дейди тақсимот бўлими бошлиғи Алишер Отахонов. — Афсуски, ўз маҳсулотларимизни шерикларимизга юбора олмаяпмиз. Чунки «Ўзбексавдо» уюшмаси бизга лицензия бериш масаласини негадир чўзмоқда. Ҳолбуки, бозор муносабатлари ва алоқалари икки томонлама бўлиши лозим. Шундагина иш юришади, ички бозоримиз янги моллар билан тўлади. Қолаверса, биз юбормоқчи бўлган моллар ички бозоримизда кўп.

Тошкент агрегат заводининг халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳам ривожланиб боряпти. Бундан мақсад — хорижий мамлакатларга ўз маҳсулотларини чиқариш, жаҳон бозоридан мустаҳкам ўринни эгаллашдир. Бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди. Афғонистон, Хитой, Туркиянинг қатор фирмалари билан ўзаро манфаатли битимлар тузилди. Яқинда Туркиянинг яна бир фирмаси билан ўзаро мол айирбошлаш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу битимга мувофиқ жамоа уч турдаги маҳсулотларининг дастлабки туркумини яқин кунларда ўз шеригига жўнатади. Бунинг эвазига Туркия фирмаси заводга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийимкечак ва гиламлар юборади. Шуниси диққатга сазоворки, улар жамоа ишчи-хизматчиларига бозор нархидан бирмунча арзон нархларда сотилади. Бу ҳам одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида олиб бораётган амалий ишлардан биридир.

— Ишчи-хизматчиларимизни меҳнатларига яраша рағбатлантириб боряпмиз, — дейди завод директорининг ўринбосари Баҳодир Обидович Пайзиев. — Бизда ҳозир ўртача ойлик 5—6 минг сўмни ташкил этмоқда. Ҳар ойда улар маошларига қўшимча равишда ўртача 85 фоиз мукофот ҳам оладилар. Шунингдек, ҳар бир ишчи-хизматчи учун кунига 50 сўмдан овқат ва транспорт пули берилмоқда. Меҳнат таътилига чиқиш чоғида иш стажи ва меҳнат улушига қараб рағбатлантириш пули ҳам ажратилади. Соғломлаштириш-спорт комплекси, даволаш муассасаси, дам олиш зонаси, маданият саройи жамоа аъзолари хизматида. Шунингдек, Ангрен тоғ ён бағрида завод жамоаси болалари учун дам олиш зонаси фаол ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилишга қаратилган. Бунга жавобан корхонада иш унуми ортмоқда.

Ҳозир агрегат заводида истиқболни кўзлаган ҳолда ишлаб чиқариш цехлари кенгайтирилиб, такомиллаштириляпти. Чунончи, янги корпус қад ростлади, рақамли бошқариладиган замонавий дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилди. Узлуксиз технология жараёни бунёд этиляпти. Унда асосан қишлоқ хўжалиги машиналарининг оғир корпуслари тайёрланади. Ҳисоб-китоб ишларини аниқ ва тез юритиш мақсадида автоматик бошқарув тизими бўлими ҳам ташкил этилди. Физика-математика фанлари номзоди В. Левицкий бош бўлган бўлим ҳозир компьютерларда ишлаш сирларини завод бошқаруви тизими ходимларига ўргатмоқда.



Хорижда ҳам харидоргир бўлган йиғма нарвонлар ва курси.

Еркин БОТИРОВ олган суратлар.

Яна бир гап. Маълумки, «Узсельхозмаш» концерни ва Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси ўртасида автомобиль ишлаб чиқариш тўғрисидаги битим имзоланган эди. Бўлажак автомобилнинг маълум қисмлари агрегат заводида ҳам тайёрланади. Шу боис ҳозир бу ерда саҳни 14 минг квадрат метр бўлган корпусни бунёд этишга киришилди. Кўриниб турибдики, жаҳон бозорини кўзлаб ишлаётган ишчан жамоа истиқболи янада порлоқ.

Алишер РЎЗИЕВ.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РН—62 ОСМА ЮМШАТГИЧИ— БУ ЕР ОСТИ ҚАТЛАМИ ТАРКИБИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН СИЗГА КЕРАКЛИ ВА ҚУЛАЙ ВОСИТА.

РН—турлй хил тупроқ қатламларида ишлай олади. У бир йўла 2,5 метр кенгликда ва 0,55 метр чуқурликдаги тупроқни юмшата олади. РН—62 конструкциясининг оддийлиги ва мустаҳкамлиги мелиорациянинг иқтисодий ва ишончли техник воситасидир.

РН—62 ОСМА ТУПРОҚ ЮМШАТГИЧИ СИЗНИНГ ОҒИРИНГИЗНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИ.

УНИ САНИИРИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Сиз ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: 700187. Тошкент шаҳри, Қорасув массиви—4, 11-уй.
Телефон: (3712) 65-09-56.
Телетайп: 116294.
ДРЕНАЖ. Телекс: 116199.
«RUSLO»

САНИИРИ ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

• Элга хизмат—олий ҳиммат •

Андижонда Салим Иминовни кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Сабаби эгаллаб турган лавозими эмас. Эҳе бу курсиларда кимлар ўтирмади дейсиз. Салим аканинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, ташкилотчилиги ва нисонпарварлигини одамлар қадрлашмоқда. Мана икки йилдирки, у вилоят матлубот уюшмасига раислик қилмоқда. Ўтган давр ичида талайгина ибратли ишлар рўёбга чиқарилди. Мухбиримиз уюшма раиси Салим Иминов билан мулоқотда бўлди.

— Салим ака, Андижон вилояти пахтакорлари йиллик режани уддаладилар. Улар бу йилги хирмонни уюшда катта кўмак берганлиги учун матлубот жамияти ходимларидан мамнун бўлишмоқда. Бунинг боиси не?

— Бундай олиб қарасангиз, миллий бойлигимиз бўлган пахтани етиштириш қатта меҳнату, сарф-харажатлар эвазига бўлди. Нега энди бу бойлигимиз далада қолиб кетиши керак? Дейдиларки, ўзбек туғилганда ҳам, ўлганида ҳам пахта билан. Мен шуни қўшимча қилмоқчи эдимки, унинг ҳаёти ҳам пахта. Негаки, пахтамизни сотиб турмушимиз учун керакли барча нарсани оламиз-ку! Албатта бу йил вилоят ҳокимияти матлуботчиларнинг пахтакорларга берган ёрдамидан мамнун бўлишди. Мавсумда барча район матлубот уюшмалари ва савдо ташкилотлари раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, пахтакорлар билан елкама-елка бўлишга бурчли эканимизни билдиргандик. Ваъдамизнинг устидан чиқдик. Айниқса, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Олтинкўл район савдо ходимлари бу ишда жуда катта жонбозлик кўрсатишди.

— Вилоят матлуботчиларининг ютуқлари ҳақида икки оғиз гапирсангиз.

— Матлубот жамияти вилоятимиз қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган қарийб 1,5 миллион аҳолига савдо хизмати кўрсатади. Маълумки, собиқ Иттифоқ миқёсида марказлаштирилган таъминот фондлари йўқолди. Бошқа республикалардан мол айирбошлаш ҳисобига товар олмоқдамиз. Бошқа минтақалардан ҳозирча 500 миллион сўмлик товар сотиб олдик ва вилоятимиз аҳолисига етказиб бердик. Ўтган тўққиз ой мобайнида 266 миллион сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқардик. Бу режадагидан 46 фоиз кўпдир. Бўрлоқчилик ёрдамчи хўжаликларимизда молларни семиртириш ҳисобига 470 тонна гўшт етказиб берилди.

Асосий эътиборимиз республика Вазирлар Маҳкамасининг аҳолига озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини меъёрлаштирилган тартибда етказиб беришни амалга оширишга қаратганмиз. Ҳозир мавжуд савдо дўконларининг 74 фоизи орқали аҳолига меъёрлаштирилган товарлар оилавий варақалар бўйича сотилмоқда. Ўтган 9 ойда 2 миллиард 944,5 миллион сўмлик товар сотилди ва хизмат кўрсатилди. Бу режага нисбатан 103,7 фоизни ташкил қилади.



Талайгина янги қувватлар ишга туширилди. Андижон район марказида «Оталар» чойхонаси, Қўрғонтепа район марказида 100 ўринли кафе, Шаҳрихон райони Найнаво қишлоғида, Избоскан райони Юқори Чувама қишлоғида савдо марказлари фойдаланишга топширилди. Охунбобоев шаҳрида 140 ўринли болалар боғчаси хизмат кўрсата бошлади. Асосийси, қишлоқ аҳолиси энг зарур товарлар билан бир маромда таъминланмоқда.

— Мана, қиш ҳам эшик қоқмоқда. «Қишда меҳнаткашлар озиқ-овқат маҳсулотларига зориқиб қолармиш» деган гап-сўзлар юрибди...

— Таъминотдаги тақчиллик, қимматчилик ва пулнинг қадрсизланиши тобора кучаймоқда. Бу эса аҳоли ўртасида келажакка ишонч туйғусининг камайишига, озиқ-овқат ва саноат товарлари яна қимматлашиб, очарчилик бўлиши мумкин, деган турли миш-мишлар чиқишига сабаб бўлмоқда. Ваҳимага ҳеч асос йўқ. Кузги-қишки мавсумда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир маромда таъминлаб туриш мақсадида тизимимизга қарашли ташкилотларда 15760 тонна картошка, сабзавот, мева, узум, полиз, буғдой, мош, ловия, нўхат, ошқовоқ, асал, ун, макка уни маҳсулотлари ғамлаб қўйилди. Аҳолидан ва хўжаликлардан бундай маҳсулотлар харид этиш давом этмоқда. Ҳаёт тақозоси билан матлуботчилар аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ишларни янада жонлантирмоқда. Бу йил жойларда 6 та тайёрлов идораси ташкил қилинди. Шу билан бирга Қўрғонтепа, Асака, Андижон, Балиқчи Избоскан районлараро улгуржи савдо базаларининг омборларидан фойдаланяпмиз. Ҳозир вазифани уддаламаслик учун баҳона қидирсак, асло биримиз икки бўлмайди. Тайёрловчилар вилоятимизда етишмаётган маҳсулотларни бошқа ҳудудлардан келтириб жамғармоқдалар. Қорақалпоғистон ва Хоразмдан гуруч, Сирдарё ва Жиззахдан полиз маҳсулотлари, Россиядан эса картошка олиб келинди. Бундан ташқари вилоят савдо концерни, кооператив тайёрлов савдо бирлашмаси, мева-сабзавот концерни вакиллари ҳам катта миқдорда озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотларини қишга ғамлаб қўйдилар. Энди тайёрланган маҳсулотларни сотишда инсоф, диёнат устивор бўлишини қаттиқ назорат қилишимиз лозим.

— Салим ака, кўнглингизга келмасину, гоҳ-гоҳида савдо ходимлари ҳақида халқдан совуқ гапларни эшитишга тўғри келади....

— Албатта, беш қўл баравар эмас. Айрим инсоф, диёнатини ўз нафси йўлида йўқотган савдо ходимлари ҳам учраб туради. Бундайларга халқ ўз баҳосини бераверади. Аммо, лекин менинг раҳбарлик фаолиятим пайтида инсофли бўлинглар, деб такрор-такрор айтаман. Мана бу йил бизда кўз тегмасин, камомад ва ўғрилик ҳоллари деярли содир бўлмади. Бу қувонарли. Энди шу ўринда ходимларимиз ўзга юртларга бориб, биз учун зарур товарларни олиб келиб, вилоятимиз меҳнаткашлари эҳтиёжини қондириш учун катта ҳисса қўшаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

— Айтишларича, оиланғиз узоқ йиллар мусофирчиликда ҳаёт кечирган экан.

— Менинг бувам қулоқ қилингач, Украинанинг Михайловка қишлоғида истиқомат қилишга мажбур бўлган экан. Қизиқ, у ерда бутун бошли бир қишлоқда фақатгина ўзбеклар яшаган экан. Дадам ўшанда 4 ёшда бўлиб, ҳаётнинг барча аччиқ-чучугидан бенасиб қолишмаган экан. Тақдир тақозоси билан дадам ўша ерда турмуш қуриб, кейинчалик Улуғ Ватан урушига жўнаган. Биз уруш пайтида онам билан яна Андижонга қайтиб келдик. Жойлари жаннатда бўлсин, онам 52 ёшида вафот этганлар. Онамнинг дадаси савдогар бўлган экан. Мен ҳам шу касбни танладим. Дадам муаллим бўлгани учунми, савдо ходимларини кўпам ҳушламайди.

— Яқинда дадангизнинг ташаббуси билан «янгича» тўй қилибсизлар, деб эшитдик.

— Бу йил оила аъзоларимиз дадамизни ҳаж сафарига юборган эди. Худога шукур, оиламиз ўзига тўқ, кўз-кўз қилиб катта дастурхон ёзиб, тўйлар қилишга ҳам қурбимиз етади. Бу сафарги тўй энг кенжа фарзанд—Тошкент Давлат Техника дорилфунунининг битирувчиси укам Эркинжон билан Андижон халқ хўжалиги институтининг 4-курс толибаси Нодирахонларнинг никоҳ кечаси ҳожи дадамнинг ташаббуси билан камчиқим ўтказилди. Ҳожидадам ислом дини йўл-йўриқларига қатъий амал қилиб, дастурхонга бир қултум ҳам спиртли ичимлик қўйдирмади. Исрофгарчилик ҳам бўлмади. Тўйни жуда ширин ва осойишта ўтказдик. Ҳали ҳанузгача маҳалла оқсоқоллари бизга раҳмат айтмоқда.

— Албатта ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш вилоятдаги савдо маданиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу борада қандай ишларни амалга оширмоқдасизлар?

— Тўғри, бизда бирмунча савдо маданиятида камчиликларимиз сезилиб қолади. Масалан, Германия, Япония сингари мамлакатлардаги дўконларга кирсангиз маҳсулотлар турли миқдорда қадоқланиб, ҳаваси-нгиз келадиган қилиб ўраб қўйилади. Ҳатто 100 граммли маҳсулотни ҳам харид қилишингиз мумкин. Сотувчи деярли тарози ишлатмай-

ОДАМЛАРНИНГ ЎЗИ БАҲО БЕРАДИ

дан, бунда ҳам харидорга, ҳам сотувчига қулай. Қолаверса, биздагига ўхшаб тарозидан уриб қолиш ҳам йўқ. Шу мақсадда яқинда Хитойдаги кўп тармоқли ишлаб чиқариш компанияси билан шартнома туздик. Шунга мувофиқ Хитойда бизнинг, бизда эса хитойликларнинг дўконларини очамиз.

Бундан ташқари ўтган 9 ой ичида экспортга 43 миллион сўмлик маҳсулот ва хом ашё жўнатилди. Бу ишда Олтинкўл, Комсомолобод, Жалолқудуқ, Асака, Шаҳрихон шаҳар матлубот жамиятлари фаол ҳисса қўшдилар. Хорижга жўнатилган маҳсулотлар эвазига 56 миллион сўмлик импорт товарлар олиб келиб, қишлоқ аҳолисига сотилди. Йил охиригача Туркия ва Австрияга яна 180 миллион сўмлик маҳсулот жўнатиш мўлжалланяпти.

Кўпчилик айтганидек, замон ишбилармонники, шундай экан, бутун маҳоратимизни ишга солиб, имон-эътиқодимизни йўқотмай элга хизмат қилаётганлигимиздан доимо кўнглимиз фахрдадир.

Суҳбатдош Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

АМЕРИКАЛИК «ЎҒИЛ»НИНГ СОВҒАСИ

Дунёда ўзбек халқининг урф-одатларига қизиқадиганлар кўп. Америкалик аспирант Уильям Деркс Тошкентда уч йил яшаб, ўзбек одатлари ҳақидаги илмий ишини тугатди.

Шу йиллар мобайнида у аспирантлардек ётоқхонада эмас, ТошДУнинг тилшунос олими Муҳаммаджон Қодиров хонадонида яшади. Бундан мақсад ўзбек оиласининг турмуш тарзи билан яқиндан танишиш эди.

— Уильям Деркс жуда тиришқоқ ва зийрак йигит, — деди биз билан суҳбатда филология фанлари номзоди М. Қодиров. — У асосан ўзбек тили ва адабиёти дарсларида мунтазам иштирок этди. А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби улуғ ёзувчиларнинг асарларини севиб ўқиди. Айниқса у билан Фарғона водийсида, Қашқадарё ва Бухорода бўлганимизда халқимизнинг очиққўнгиллиги, сахийлиги унда катта таассурот қолдирди.

Яқинда ундан хат олдим. Уильям Туркиядан уйланибди. Ҳозир эса Америкада яшаяпти. Қарангки, у ўзбек, қозоқ, уйғур, туркман ва бошқа тилларда қийналмай суҳбатлашади. «Қуръон»ни бизнинг уйда араб тилида ўқиб чиқди. Мен комил ишонч билан айтаманки, ёшларимиз ҳозир чет элларда ўқиб, ўз билим ва маҳоратларини оширмоқдалар, нур устига аъло нур иш бу.

Очиғини айтсам, оила аъзоларимиз билан унга жуда ўрганиб қолган эканмиз. Ўрни билинади. Дарвоқе, Японияда чиққан «Нессон» автомашинасини у менга совға тариқасида юборди. Бунинг учун мен америкалик «ўғлимдан» миннатдорман!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

ЎРТАОСИЁТРАНС

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ

«ЎРТАОСИЁТРАНС» ФИРМАСИ

Тошкент шаҳри ва унинг атрофида, шунингдек, Тошкент вилояти ҳудудида яшовчи юқори малакали ҳайдовчи-экспедиторларни халқаро йўналишларда юк ташишда фойдаланадиган катта юк автомобилларида ишлаш учун қабул эълон қилади.

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ:

1. Биринчи тоифа (Е—категорияси) бўлиши шарт.
2. 30—40 ёшли.
3. Оғир юкли дизель автомобилларини бошқаришда камида 10 йиллик иш стажига эга бўлган.

Ўрта мактаб даражасида чет тилларидан бири (инглиз, немис)ни билса нур устига аъло нур.

Мурожаат учун манзилгоҳ:
Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Обводная кўчаси, 9-уй.
Телефон: 47-30-55.

• *Жиноят жазосиз қолмайди*

«Очинг, жиноят қидирув бўлимиданмиз!»

Болалар ўйнай-ўйнай зерикишди. «Ҳозир келаман» деб кетган ойиларидан негадир дарак йўқ. Кеч кирди. Одатда шу пайтда мультфильм бўларди. Денис телевизорни қўйган эди, унда аллақандай амаки нарх-наво ҳақида гапира кетди. Бу болалар учун зерикарли эди. Шартта телевизорни ўчирдилар. Шу вақт эшик қўнғироғи жиринглади.

«Ойим!» — Денис, унинг изидан Юра ва Игорь эшик томон югуришди.

— Очсангиз-чи, биз жиноят қидирув бўлимиданмиз. — деди аллаким ташқаридан. Денис эшик занжирини бўшата бошлади. Игорь югуриб келиб унинг қўлига ёпишди.

— Очма, Денис, қўрқиб кетяпман, ахир бегона кишиларга эшикни очмаслик керак-ку!

— Қизиқмисан, ахир булар ўзимизники, жиноят қидирув бўлимиданмиз дейишяпти-ку. Демак, яхши одамлар. Киноларда ҳам шундай кишилар жиноятчиларни қидириб юришади, болаларни эса яхши кўришади, — дея Денис эшикни ланг очиб юборди.

Уйга 20-25 ёшлардаги уч йигит отилиб кирди. Улардан ароқ ҳиди анқиб турарди, кўзлари бежо.

— «Сержант» уйларни тинтув қил, «ашёвий далиллар»нинг барчасини йиғиштириб ол. «Лейтенант», сен ҳам жўрдамлашвор!

— Хўп бўлади, ўртоқ «капитан!»

Бир зумда уйнинг тўс-тўполони чиқди. Қўлга илинадиган жамики нарса ва пул жиноят қидирув бўлимида «ишловчи» амакилар томонидан «мусодара» қилинди.

— Ота-оналарингизга айтасиз, болалар, эртага милицияга — Ҳафизов ҳузурига, 22-хонага борсинлар, — деди кета туриб «капитан»...

Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими ходимлари «ҳамкасб»лари изига тушишга муваффақ бўлишди. Жиноятчилар орадан бир кеча-кундуз ўтар-ўтмас қўлга олинди. Дастлабки терговда аниқланишича, улардан иккитаси илгари судланган Владимир Лезгин ва Эркин Шокиров экан. Уйни тунашгач, учинчи шериклари Муҳаммадзариф Ортиқовга «жавоб» бериб юборишибди.

В. Лезгин ва Э. Шокиров шу кеча «Зарафшон» меҳмонхонаси ресторанида яна ароққа тўйиб олишгач, кўчага чиқиб «жонон» излашди. Аксига олгандай, овлари бароридан келмади. Сўнг улар шу яқин атрофда ўйнаб юрган норасида С. ни алдаб олиб кетадилар. Овлоқ жойда унга бигиз уриб, баданини қонга ботириб, зўрлайдилар.

Бухоро шаҳар тўқимачилик тумани халқ судининг И. Толибов раислигида ўтган мажлиси узоқ давом этди. Суд инсонийлик қиёфасини йўқотган босқинчи В. Лезгинни 12 йил, Э. Шокировни эса 11 йил озодликдан маҳрум қилди. «Сержант» М. Ортиқов ҳам жазосини олди.

Шу тариқа, Бухоро шаҳрида шов-шувга сабаб бўлиб, турли миш-мишларни келтириб чиқарган жиноий гуруҳнинг пайи қирқилди.

ИЗ ҲАМИША ҚОЛАДИ

Нукус яқинидаги Қизкеткент деган жойда содир бўлган жиноятнинг нақадар ваҳшийлигини кўриб оператив ходимлар ҳам ҳайрон қолишди. Бир уйда бир вақтнинг ўзида учта жасад топилди. Улар эллик ёшлардаги уй бекаси, унинг йигирма яшар қизи ва ўн икки яшар ўғлининг жасадлари эди.

Жиноятчи ўз изини яширишга қанчалик уринмасин, уни фош қиладиган қандайдир излар қолади. Нукус ички ишлар бўлимида тузилган оператив гуруҳ худди шундай изни топишга умид қилди. Тўпланган далиллар асосида оператив ходимлар Тахтакўпир районида яшовчи 26 яшар кишини қўлга олдилар, прокуратура ва милиция тергов ишларини давом эттирмоқда.


БОЛАЛАРНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ!

Термиздаги мактаблардан бирининг учинчи синфида ўқийдиган қизалоқнинг нотаниш «амаки» билан суҳбати фожиа билан тугади. У қизалоқни алдаб, овлоқ ерга бошлаб келди-да, уни зўрлади. Оператив қидирув чоралари натижасида жиноятни содир этган деб шубҳа остига олинган Шеробод кўчма колоннасининг ишчисига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.


(ЎзА мухбирлари).

• *Мустақиллик шарофати*

«АНДИЖОНГИДРОМАШ»НИ ДУНЁ БИЛАДИ



ПГХ—0,5 юклагич трактори.



С—245 насоси.


- ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА
- СУДАНГА ЙИГИРМА БЕШ МИНГ ДОНА ДИЗЕЛЬ НАСОСИ
- СУРИЯЛИК САЛИМ АББАР АНДИЖОНЛИК МАШИНАСОЗЛАР ҲУЗУРИДА
- ПУЛ ЎРНИГА МАҲСУЛОТ
- ЯНГИЛИККА УЧ РАҲБАР
- УНИВЕРСАЛ ЮКЛАГИЧ ТРАКТОРИ БАЗАСИДА — ЭКСКАВАТОР
- ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ БУЮМЛАРИ КЎПАЯДИ

«Андижонгидромаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг гидротақсимлагичларига эҳтиёж сезмаган хўжаликларни республикамизда камдан-кам топасиз. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай бу корхонанинг маҳсулотларига талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги жамоаларни қўйинг, ҳаттоки хориждаги таниқли фирмалар ҳам бирлашма ёрлиғи туширилган замонавий техникаларни сотиб олишга жон-жон деб хоҳиш билдирмоқдалар. Шу мақсадда юзага келаётган ҳамкорлик шартномалари ҳар икки томоннинг иқтисодий алоқаларини кучайтиришга, фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

— «Андижонгидромаш»ни дунё билганига йигирма йилдан ошди, — дейди бирлашма бош директорининг ўринбосари Раҳматулла Комилов. — Шу давр ичида қирққа яқин хорижий мамлакатларни маҳсулотларимиз билан таъминладик. Уларни корхонамизнинг гидротақсимлагичлари, дизель насослари қизиқтириб қолгани бежиз эмас. Негаки, Япония, Олмония сингари ривожланган, илғор мамлакатларда ҳам шундай техникалар ишлаб чиқарилади. Аммо уларникидан маҳсулотларимизнинг устун жиҳатлари бор. Ўн уч от кучига эга бўлган дизель насосларимизнинг тузилиши жуда содда. Уни ўзлаштириш учун юқори малака, кўп вақт керак эмас. Иш ресурси кучли. Ўзлаштирилмаган, чўл зоналарда бундай юқори унумли техникалар сув ва ҳаводек зарур. Уларни ишлатиш учун хорижда бўлгани каби электр энергиясига эҳтиёж сезилмайди. Энг паст ёқилғида, ҳар қандай шароитда ишлай олади. 1970 йилдан буён Судан 25 минг дона ана шундай дизель насоси олди. Сурия, Марокаш сингари мамлакатларга ҳам уни етказиб бердик.

Хорижий шерикларимиз билан иқтисодий алоқаларни кенгайтиряпмиз. Шу йилнинг бошида Суриядаги таниқли фирма раҳбари Салим Аббар келиб кетди. Корхонамизнинг имкониятлари, тайёрлаётган маҳсулотларимиз билан таниш-ди. Ўз ўрнида эҳтиёт қисмлар ва 400 дона Т—62—1 дизель насоси учун биз билан шартнома тузди. Бирлашмамиз вакиллари ҳам Сурияда бўлишиб, Салим Аббар фирмасининг фаолияти билан яқиндан танишиб қайтдилар. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бундай алоқаларни бошқа мамлакатлар билан ҳам йўлга қўйишимизга шароит яратиб бермоқда.

Бирлашманинг 60 фоиз маҳсулотини секцияли ва моноблокли гидротақсимлагичлар ташкил этади. Ҳозир иттифоқ йўқ бўлди. Аммо корхоналарнинг бир бирлари билан иқтисодий ва хўжалик алоқалари сақланиб қолди. Россиянинг Твер (олдинги Калинин) шаҳридаги экскаватор заводи бирлашмадан бу йил 2,5 минг комплект моноблокли гидротақсимлагич олишди. Бунинг эвазига улар «Андижонгидромаш»га ЭО-33-23 А маркали экскаваторларни етказиб беришди. Андижонлик машинасозлар мол айрибошлашнинг бундай маъқул йўлини



С—245 насоси.


танлаб янглишишмади. Тверянинг қудратли техникасига ҳамма жойда талаб катта. Ҳамкорлар Ўрта Осиёдаги ташкилот ва хўжаликлардан экскаватор учун тушган буюртмани «Андижонгидромаш» орқали олишни таклиф қилишмоқда. Ўртага пул аралашмаяпти. Республикамизда банк системаси ҳали тўла такомиллаштирилмаган, ҳозирги шароитга мослаштирилмаган бир пайтда мол айрибошлашнинг бундай иқтисодий афзалликлари жамоанинг манфаатига мос келмоқда. Магнитогорск металлургия комбинатидан металл прокатлар, «Кривой-рог» металлургия комбинатидан чўян олиняпти. Маҳсулот алмашиш эвазига Новосибирск ва Қарағанда шаҳарларидаги металлургия комбинатлари ҳам андижонлик машинсозларнинг ишончли ҳамкорларига айланди. Бирлашма таъминот бўлими бошлиғи Тожиддин Жумабоев, таъминотчи Исоқжон Йўлчиев ва Обиджон Акбаровлар улар билан яқиндан алоқани йўлга қўйишда тадбиркорлик кўрсатишяпти.

Бирлашма бош директори Абдумўмин Бўриевич Бўриев янгиликка ўч. Корхонада суяги қотган, бир неча йиллар масъул лавозимларда ишлаган бу ишбилармон раҳбарни шу боисдан ҳам ҳамма бирдек ҳурмат қилади. Абдумўмин Бўриевич корхона бош конструктори Сергей Промтов ва конструктор Валерий Марякин билан ҳамкорликда яқинда универсал юклагич тракторининг технологиясига ўзгартиш киритишди. Бунинг эвазига кичик траншеялар қазишда кўл келадиган экскаватор юзага келди. Бу янги техника айниқса республикамизнинг давлат ва жамоа хўжаликларида ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, суғориладиган майдонларга ариқлар қазишда қўл келади.


Янгиликлар эвазига бирлашмада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам кенгайиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида олти хил иш бажарадиган дурадгорлик дастгоҳларини тайёрлаш йўлга қўйди. Сув ва буғ учун ДУ-15, ДУ-20 маркали чўян жўмраклар, чўян радиаторлар, ҳар хил сиғимли чўян қозонлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Яқин ойлар ичида эса бирлашманинг ёғочга ишлов бериш базасида мебель, ошхона мебели, болалар кровати, хонтахта каби харидоргир жиҳозларни оммавий ишлаб чиқариш мўлжалланяпти.

Бирлашманинг ишчан жамоаси амалга ошираётган бу ишлар дилни яйратади. Боиси сир эмас: негаки унинг харидори ўзга юртларда ҳам бор. Бошқачасига айтганда, бирлашма ўз маҳсулотлари билан Ўзбекистоннинг истиқлолини, мустақиллик берган бахтни кўз-кўз қилиб турибди. Меҳнаткаш, заҳматкаш халқимизнинг кўп йиллик орзуларини юзага чиқаришга оз бўлсада ҳисса қўшмоқда. Жаҳон бозорига йўл очаяпти.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.



ГГ 332 Б гидротақсимлагич.



ГГ 432 Б гидротақсимлагичи.



— Дада, калитни беринг, машина бозорига борамиз!

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

«ТИМАРТ» ТИЖОРАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

1993 йил учун корхоналар, ташкилотлар ва бошқа манфаатдор муассасалар билан барча турдаги металл-прокатларини етказиб бериш юзасидан Шартнома тузади. Баҳоси олиб келинган кун ва келишилган муддатга биноан бўлади.

Тўловлар Ўзбекистон Республикасининг Узинбанки ва унинг Урганч, Андижон, Нукус ва Москва шаҳарларидаги филиаллари орқали амалга оширилади.

Шунингдек, «ТИМАРТ» фирмаси маълумотли ва ишбилармон ёшларни ҳудудий вакилликларига ишга таклиф этади.

Тошкент шаҳридаги телефон рақамларимиз: 91-02-32.

Телетайп: 116134. «Кардан».

Манзилгоҳимиз: 700005, Тошкент, 8 Март кўчаси. 57.

Ташкилот пахта толаси ва хом ашёсининг 4, 5-типларини пул ўтказиш ва нақд пул тўлаш йўли билан сотиб олади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Қозоғистон Республикаси, Чимкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 114-уй телефонлар (32522) 3-85-87, 3-36-84,

(325) 62-35-55, 66-56-31.

Олти ойлик заргар-наққошлик курсига (III разрядли) ёшидан қатъи назар хотин-қизлар

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Курсни муваффақиятли тугатганларга гувоҳнома берилади ҳамда иш билан таъминланади.

Мурожаат учун телефон: 90-74-71.

Соат 18.00 дан кейин.

• МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ УФҚЛАРИ

Ғишт қуядиган кўчма ускуна

Ярим йил муқаддам Тошкент трактор заводида ғишт қуядиган ускуна тайёрлаш ниятлари борлигини айтишганди. Балки шунинг амалга ошгандир, деган ўй билан у ерга бордим.

Заводнинг 50 йиллиги муносабати билан ихчамгина кўргазма ташкил қилинган экан. Энг сўнгги маркадаги трактор ва тиркамлар қаторига ғишт ясовчи ускунанинг тажриба нусхаси ҳам қўйилибди. Ёнида унинг дастлабки маҳсулоти—ғиштлар.

Ускуна кўринишидан оддий. Аммо қурилиш учун ғишт муаммосини ҳал қилишга қодир. Заводга тегадиган нафи—катта. Тракторлар нархи қимматлашган бугунги кунда улар бозорини чаққонлаштиради. Чунки ғишт тайёрлагич трактор қўшиб сотилади.

Янги ускунанинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари аломат. Аввало унда соатига 300 та ғишт тайёрлаш мумкин. Ғиштнинг ҳажми оддий пишиқ ғиштга нисбатан 3,5 баробар катта. Шлакаблокнинг ярми билан тенглашади. Пишиқ-пухта. Унча-мунча зарбага дош беради. Қўлдан тушиб кетган тақдирда ҳам синмайди. Ажойиб ҳислати шуки, ғишт тайёрлашда сув шарт эмас. Нам тупроқнинг ўзи етарли. Тупроқ ускуна қозончасига солинса бас. Бу ёғидан тайёр ғишт чиқаверади.

Ушбу ускунанинг яна бир ғаройиб томони бор. Ускунани исталган жойга элтиб фойдаланса бўлади. Ғиштни теришда қўшимча қоришмага ҳожат йўқ. Унинг устки қисми тирноғич ёки чўтка билан тирнаб юборилади. Тирналган жойга озроқ сув сепилиб, устига навбатдаги ғишт терилса—улар бир-бирига ёпишиб қолаверади. Шунингдек, ғиштни ускунадан олибоқ тераверіш мумкин.

Бу сафар «Узумини егину боғини суриштирма», деган ақидани бузиб бўлса ҳам ускунанинг ижодкорлари ҳақида икки оғиз сўз айтмоқчимиз. Ғишт қуювчи ускунанинг асосий яратувчиларидан бири Атҳам Ҳакимжонов бўлади. Яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи унвонига сазовор бўлди. Янги ихтирони яратишида ҳамдаст бўлган муҳандислар В. Никитин, В. Эйсмонт, М. Журавлевлар хизматини қадрлаб гапиради. Тажриба цехи ходимларининг, беминнат ёрдамидан миннатдор.

Ш. РЎЗИЕВ.

БАРЧА ЖАМОА, ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ ВА ШАХСИЙ ТОМОРҚА ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасидаги етакчи корхона — Самарқанд химия заводи тупроқнинг дармондориси бўлган юқори самарали янги

ДОНАДОР БОЙИТИЛГАН СУПЕРФОСФАТ

ўғитини ишлаб чиқара бошлади.

У ишлатиб келинаётган аммофос ўғитига нисбатан бир қанча афзалликларга эга ва қишлоқ хўжалигида кутилган натижаларни беради.

ЯНГИЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ

— қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини (пахта ҳосилдорлигини гектарига 3—4 центнергача) аммофос ўғитига нисбатан оширади—бу Сизнинг қўшимча соф фойдангиздир;

— юқори таннархли фосфорли ўғитга бўлган эҳтиёж йўқолади — бу Сизнинг қўшимча соф фойдангиздир;

— Қоратоғ фосфоритидан олинадиган, ҳаммага маълум бўлган, таркибида 44 фоиз фосфор (Р2 О5) сақлаган аммофос ва 14 фоиз фосфор (Р2 О5) сақлаган оддий суперфосфат ўғитларига нисбатан арзондир — бу ҳам Сизнинг қўшимча соф фойдангиздир.

ЯНГИЛИКНИНГ ТУПРОҚ УЧУН ФОЙДАСИ

— кўп йиллардан бери тинимсиз ишлатиб келинаётган юқори концентрацияли ўғитларнинг таъсирида бузилган тупроқ тузилишини ўз ҳолига қайтаради ва яхшилайди;

— тупроқнинг нам ушлаш хусусиятини сақлайди;

— тупроқни ҳаммага маълум бўлган азот ва фосфор озуқаларига бойитиш билан бир қаторда ёдингиздан кўтарилган, лекин ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун жуда фойдали бўлган кальций ва олтингугурт элементларига бойитади, уни соғломлаштирнб, ўсимликнинг касалликка чалинмаслигини таъминлайди.

ЯНГИЛИК АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ УЧУН БЕБАҲОДИР

— суғориш натижасида тупроқдан ювилиб кетадиган фосфат ва нитратларнинг камайиши ҳисобига сув ҳавзаларини ифлосланишдан сақлайди;

— сувда эримайдиган фтор тузлари сақланганлиги учун тупроқнинг фтор билан ифлосланишига йўл қўймайди;

— унинг фойдали таъсир даражасининг юқорилиги ва озуқа элементларининг секин ўзлаштирилиши ҳисобига тупроққа солинадиган кучли ўғитларнинг йиллик миқдори кескин камаяди.

ДОНАДОР БОЙИТИЛГАН СУПЕРФОСФАТ ИККИ ХИЛ НАВДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ:

1-нав—таркибида 24 фоиз (Р2 О5) фосфор озуқасини сақлайди;

Олий нав—таркибида 27 фоиз (Р2 О5) фосфор озуқасини сақлайди;

Агар Сиз тупроқ тузилишини бузмасдан унинг физик-кимёвий ва биологик хусусиятларини яхшилаган ҳолда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширмоқчи бўлсангиз;

агар Сиз ҳақиқатан она Ватанимизнинг атроф-муҳити мусаффолигини сақламоқчи бўлсангиз;

агар Сиз ҳақиқатан ўз молиявий ишларингизни жадал суръатлар билан олиб боришни хоҳласангиз;

Буларнинг барчасига Сиз ҳеч қандай қийинчиликсиз Самарқанд химия заводидан БОЙИТИЛГАН СУПЕРФОСФАТ ўғитини сотиб олиш йўли билан эришишингиз мумкин.

Манзилгоҳимиз: 703037, Самарқанд шаҳар, Самарқанд химия заводи.

Телефонлар: (3662) 24-37-55, 24-36-28; 24-96-62.
Телетайп: 103125 ХИМИК.

Телекс 116212 СУПЕР.

Телеграф 103236. Ёки 700000, ГСП, Тошкент шаҳар, Охунбобоев кўчаси, 18-уй, Ўғитлар институти, «Барака» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Телефонлар: 33-39-50, 33-49-42.

Ўғитни сотиб олиш учун бевосита ёки воситачилар орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Сотиб олинадиган ўғитга олдиндан пул ўтказилиши керак.

Ўғит харидорга ўз автотранспорти ёки темир йўл вагонлари орқали заводдан юборилади.

ОМАДИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА.


ВАҚТ ОЛТИНДАН ҚИММАТ, ШОШИЛИНГ!

БОЙИШИНГИЗ УЧУН БИЗ ҲАМИША ХИЗМАТИНГИЗГА ҲОЗИРМИЗ.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Мирзо Улуғбек ноҳия қўмитаси Американинг «Форд» янги автомобилларини харид этмоқчи бўлган ташкилотлар ва хусусий шахслардан тижорат буюртмаларини қабул қилмоқда

Ҳақ тўлаш—исталган шаклда

"ЮЛДУЗ"
ЁШЛАР КИЧИК КОРХОНАСИ



Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 59-уй. Телефон: 32 – 38 – 53

ФУТБОЛ МУХЛИСЛАРИ ВА ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ПАХТАКОР». (Тошкент)

Футбол клуби халқаро ва жаҳон мусобақаларида иштирок этиш учун ўзига муносиб ҳомийлар изламоқда.

Футбол ишқибозлари, моҳир тижоратчи ва фирма эгалари!

Саховатпешалик қилиб, бизга мадад беришга ошиқсангиз, кўп миннатдор бўлардик.

Ўзаро фойдали ҳамкорлик — кафолатланади!

Манзилимиз: 700027, Тошкент 27, Социализм кўчаси, 21-уй.

Телефон: 41-87-56.

Х/р 003700009 Меҳнат ПСБ, Тошкент.

МФО 172682315

Хўжалик ҳисобидаги «Пахтакор» клуби.

Қўптармоқли «ЗУҲРА» КООПЕРАТИВИ Тошкентдаги омборидан чекланмаган миқдорда чўян радиатор, ҳар хил металл маҳсулотлари

СОТАДИ

Айни вақтда буюртмачилар топшириғига қараб ҳар хил металл конструкциялар тайёрлаб беради.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзеси, 1-квартал, 33-а уй.

Алоқа телефонлари: 97-96-71, 97-64-88. Москвада: (095 208-16-77; 975-10-53.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ГТ-I 6877455, ГТ-I № 6877463, ГТ-I № 6877470, ГТ-I № 6877496, ГТ-I № 6877482 рақамли меҳнат дафтарчалари йўқолганлиги туфайли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТАЛАБАЛАРГА ИССИҚ НОН

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Талабалар шаҳарчасидаги «Ёшлик» кафеси қошида янги новвойхона очилди.

Талабалар шаҳарчасидаги 8-ошхона жамоаси йўлга қўйган бу хизмат усулидан кўпчилик ёшлар мамнун бўлишмоқда. Улар эрталабданоқ нонуштага шу новвойхонада ёпилган иссиқ оби нонни харид этишяпти. Ёш новвой Дилмурод Жўраев уларга сидқидилдан хизмат кўрсатмоқда.

Янги новвойхонанинг иш маромн талабаларнинг талабига айнан жавоб беради: эрталаб соат 8 дан кечқурун соат 21 гача ишлайди. Қолаверса, нонининг нархи ҳам бозор баҳосидан бирмунча арзон.

Р. ДОСТОН.

КИЧИК КОРХОНАЛАР БОШ БУХГАЛТЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«АСҚАР» ФИРМАСИ

«АСҚАР» фирмаси бухгалтерлар ва иш юритувчилар учун замонавий техникани таклиф этади.

— Ўзимизда кўплаб ишлаб чиқарилган арзон шахсий компьютерларни сотамиз.

— Машиналарга бир йил мобайнида бепул хизмат кўрсатишга кафолат берамиз.

— Бухгалтерлик вазифаларини ҳал этишда, хотирада олиб қоладиган ёзув машинкалари ва кўпайтириш техникаси сифатида компьютердан фойдаланишга ўргатамиз.

«АСҚАР» фирмаси телефони: 77-34-27.



Келинчакнинг бахтиёр онлари...

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

СУВАРАККА ТУЗОҚ

Сувараклярни йўқотиш учун дорихоналарда сотилаётгач махсус тузоқдан фойдаланган маъқул. Тузоқ-қутичанинг ичига махсус ёпишқоқ модда (елим) суриб чиқилади. (Агар елим қўлга ёпишиб қолса, пахта ёғига хўлланган латта билан артиб ташлаш мумкин). Тузоқни ахлат челак ёнига, шкаф остига холодильник орқасига, ваннахонага, газ плитқасининг остига қўйиб чиқинг. Агар сувараклар жуда ҳам кўпайиб кетган бўлса, ўн беш квадрат метр ерга бешта қутича қўйилса бўлади. Сувараклар уч-тўрт кун ичида тузоққа тушмаса, тузоқ ўрнини алмаштиринг. Қутича ичига кунгабоқар ёғига қовурилган бир бўлак нон, пивога шимдирилган пахта ёки бир-икки бўлак юмшоқ нон солиб қўйинг.

Сувараклар билан тўлган қутича ўрнига янгисини қўйинг. Ҳаво ҳарорати 18—20 даража иссиқ бўлса, қутичадан бир ойгача фойдаланса бўлади.

Одам ва уй ҳайвонлари учун тузоқнинг зарари йўқ. Тузоқ қутичадан айниқса касалхона, болалар муассасалари, ошхоналарда фойдаланиш жуда қулайдир.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

ЕВРОПАДА ЭНГ БАЛАНД

Сицилияда Рагуза шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда Ирминино дарёси устига қурилиб, фойдаланишга топширилган кўприк дарё сатҳидан 155 метр баланд. Бу Европада энг баланд кўприк бўлиб, узунлиги 977 метр. У II темир-бетон ва учта пўлат таянч устига қурилган. Кўприк қурилиши 5 йил давом этган.

БАЛАНД БУЙИЛАР ҚАБИЛАСИ

Африкадаги Нил дарёсининг юқори оқимида яшайдиган вилоят қабиласи эркакларининг бўйи 180—215 сантиметр келади. Қабила аёллари ҳам баланд бўйли.

ҚИММАТБАҲО МАРКА

Чех граждани Ярослав Скришван эски уйининг болохонасини тозалаётиб сарғайиб кетган, қиймати уч центлик марка ёпиштирилган конвертни топиб олди. Почта қўйган штемпелда 1839 йилнинг 8 майи» деган сана ҳамон сақланиб қолган эди.

Филателияга ҳеч қандай қизиқиши ва алоқаси бўлмаган Скришван дунёдаги энг қимматбаҳо почта маркаси эгаси бўлиб қолди. У топган марка Англия почтаси 1840 йилнинг 1 майида чиқарган машҳур қора маркадан бир ёш «катта»дир. Ваҳоланки, ана шу марка Скришван ота онасининг уйи болохонасини тартибга келтиришга қўл урган вақтга қадар дунёдаги энг қадимий деб ҳисобланиб келинган эди.

«ОЙНАИ ЖАҲОН» ҚАРШИСИДА

БОЙЛАР КЕЛАСИ ЙИЛ ҲАМ ЙИҒЛАЙДИМИ?

Миллионлаб томошабинларни «Ойнаи жаҳон» қаршисига «михлаб» қўйган кўп серияли «Бойлар ҳам йиғлайди» фильми ҳақида ҳатто ривоятлар ҳам тарқалди. Эмишки, Кавказ ортида юз бериб турган жангу-жадаллар ҳам мазкур телетомоша намойиш этилаётган соатларда тўхтатиларкан. Фильм тугагач... Бу ҳаммаси бадиий фильмнинг таъсир кучи баҳоят мукаммаллигидан, воқеаларнинг қалбга яқинлигидан, хусусан ҳамма миллат ва элатга мансуб турмуш чорраҳасидаги тасодифларга бойлигидан бўлса, ажабмас. Одамлар бундай қизиқарли фильмнинг давоми келаси йили ҳам бўлармикан, деб қизиқмоқдалар. Шу муносабат билан мухбиримиз «Останкино» кинодастурлар студияси директорининг ўринбосари М. Старостинанинг суҳбатини олди.


— Сирасини айтганда ҳамма нарсанинг ҳам охири бўлади. Зеро, қачон бўлишини ҳамма ҳам билавермайди, — дейди Мария Васильевна. — Биз «Бойлар ҳам йиғлайди» фильмининг бош қаҳрамони Вероника Кастронинг Москвага ташриф буюриши билан кўп серияли томошани якунлашга аҳд қилган эдик. Ҳатто бу томошани «Ойнаи жаҳон» орқали намойиш этишни тўхтатиш ёки давом эттириш борасида ўзига хос баҳслар ҳам юзага келди. Мен албатта бу фильмни тўхтатиб қўйишларига қарши чиқдим. Боиси, бундай санъат асарини яратганлар пухта ўйлаб, энг кўп миқдордаги томошабинларни жалб этишни кўзлашгани табиий. Шунинг учун ҳам бунга ўхшаш фильмларни кўрсатмаслик билан кўп нарсани ютқазган бўлардик.

Томошабинларни ром этиш мақсадида фақат «Бойлар» билан чекланмоқчи эмасмиз. Ўйлайманки, Австралияда суратга олинган «Эдемга қайтиш» кўп сериали бадиий фильми ҳам кўпчиликка маъқул тушади. 20-сериядан кўпроқ бу картинада суратлар ўхшатиб олинганн, бадиий пухталиги билан «Бойлар»дан сира қолишмайди. Бу фильм 15 декабрдан намойиш этилади. Зеро, томошабинларни «Бойлар»ни намойиш этилиши келаси йил ҳам давом этадими, йўқми, деган масала кўпроқ қизиқтирмоқда. Бу фильмнинг давоми келаси йил ҳам намойиш этилади. Фақат номи бироз ўзгаради. Эсингизда бўлса «Бойлар ҳам йиғлайди» фильмининг қаҳрамонига мухбирлар: қандай қилиб бундай муваффақиятга эришдингиз! деган саволига: «Мен шунчаки Мариямаи», деб жавоб қайтарганди. Шунинг учун ҳам фильмнинг давоми «Шунчаки Мария» деб юритиладиган бўлади. Жами 150 сериядан иборат бу фильм «Бойлар»дан мазмуни, воқеаларга бойлиги ва кўпчиликка маъқул келиши билан сира қолишмайди. Шундан кейин «Ёввойи гул» номи билан юритилувчи янги кўп сериали фильмни намойиш этиш бошланади. Бу фильмда ҳам бош ролни Вероника Кастро ўйнаган.

Янги фильмнинг мазмуни ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, асар қаҳрамони томошабин кўз ўнгида янгича қиёфада гавдаланади. Камбағал оиладан чиққан қиз жинси кийим-бошли, сочларини шапка остига олинган бўлиб, ўғил болаларга хос ҳаракатлар қилади. Воқеалар ривожланиб, бир бойнинг боғида қўлга тушиб қолади. Ўртада муҳаббат юзага келади. Ўйлайманки томошабинларни қизиқтириш учун шу ҳам кифоя бўлса керак.

Умуман келаси йили кўп сериали бадиий фильмларни намойиш қилиш билан «Ойнаи жаҳон» дастури бойитилади. Жумладан, Америкада тайёрланган «Илдизлар» кўп сериали бадиий фильми ҳам томошабинларни жалб этади, деган фикрдамиз. Шунингдек ,океан ортида суратга олинган «Шимол ва Жануб» фильми ҳам ранг-баранглиги, тасодифларга бойлиги, уруш ва муҳаббат мавзуси билан эътиборни тортади, деган умиддамиз.

(«Красная Звезда»дан).



Бу кўҳна обидалар Буюк ипак йўли карвонларининг шоҳидидир.

Рустам ШАГАЕВ олган сурат.

«ОСИЁ БОЗОРИ» ЮТУҚЛИ ЛОТЕРЕЯСИ ЎЙИНИДА ЮТҚАЗМАЙСИЗ

Оламда лотереялар тури кўп. Уларда кимдир ютади, кўпчилик ютқазади. Бизнинг лотереямиз эса бундай эмас. Зеро, бунда ўйнаганлар асло ютқазишмайди.

Бунинг учун Сиз газетамизда чоп этилаётган купонни тўлдириб, редакцияга жўнатасиз. Шундан сўнг омадим келди деяверинг — Сиз аввало газетада БЕПУЛ эълон бериш имкониятига эга бўласиз. Ҳолбуки, бундай эълонни рўзномада камида 500 сўмга чоп эттирасиз.

Бундан ташқари купон ютуқли лотереяда қатнашади, унда пул мукофотини ютишингиз, ўз суратингиз ёки оилавий суратни рўзномада чоп эттиришингиз, шунингдек алоҳида совғага ҳам сазовор бўлишингиз мумкин.

Қанчалик кўп купонни тўлдириб, редакцияга юборсангиз, лотереяда ютиш имконияти шунча ошади.

Қаерга: 700083, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. «Осиё бозори» ҳафталиги редакциясига ———

Кимдан: район, шаҳар, вилоят ———

——— кўчаси ——— уй

Фамилияси, исми, отасининг исми ———

«Осиё бозори»да чоп этиш учун эълон матни ———

«Осиё бозори»
БИЗНИНГ ЛОТЕРЕЯ

Ҳурматли умр йўлдошим Эрназарова Малика туғилган кунинг билан чин қалбимдан табриклайман.

Ю. ЭРНАЗАРОВ,
Чиноз ноҳияси Турсунбой Эрназаров номидаги жамоа хўжалиги.

Икромжон ва Иномжон, туғилган кунингиз билан чин қалбдан қутлаймиз. Сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ўқиш ва ишларингизда омад тилаймиз.

АННАБЕРДИЕВЛАР оиласи.
Тўрткўл ноҳияси, А. Навоий жамоа хўжалиги.

Диққат!

Азиз муштарий! Мана, ниҳоят Сиз «Осиё бозори» ахборот-тижорат газетаси материаллари билан танишиб чиқдингиз. Албатта, Сиз ундан ўзингизга фойдали эълон топганингиздан, хурсандмиз. Агар кўнглингизда бирор бир эълон, ёки билдирув бериш нияти пайдо бўлган бўлса, марҳамат. Хизматингизга тайёрмиз!

Яна бир бор эслатиб ўтамиз. Сизнинг эълон ва билдирувларингизни бутун Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон Республикасида миллионлаб кишилар ўқишади. Улар ичида Сиз ўзингизга албатта керакли кишини, ҳомийни ва шерикларни топасиз.

«Осиё бозори» эълон ва билдирувларни чоп этиш учун энг арзон ва қулай газетадир.

Эълон беришга шошилинг!

МУАССИСЛАР: «Ўзбекистон овози» ва «Осиё Бозори» газеталари ижодий жамоалари.

ҲОМИЙЛАР: Ш. Рашидов фонди, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва автомобилсозлик концерни, Ўзбекистон Республикаси миллий банки, «Ўзбекистон олтини» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Туркистон» биржаси.

Нашр учун масъул Т. ТОШЕВ.

Ҳафтада 1 марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент 700083, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-76-04, 32-53-15, 33-38-55, 32-54-14, 32-57-19.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» матбаа-нашриёт концернининг босмахонаси.

Индекс 754487 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Муҳаддас Юсуф ижодхонасида

Шеър абадийдир

Мен узоқ йиллардан буён шеърият шудгорида қўш тортиб юрган бир деҳқонман.

Кўп улуғ зотларнинг суҳбатига муяссар бўлганман. Қарангки, осмон сайёралари мунтазам айлангани янглиғ авлодлар ҳам бардавом бўлар экан. Ўртадаги халқа ҳамиша боғловчи вазифасини ўтаб келган. Шу маънода, ўтган кундаги ёқилган оловни менга тенгдош ижодкорлар баҳоли қудрат олдинга етказишга ҳаракат қилишлари лозим.

Бизнинг бахтимиз шундаки, истеъдодли ёшларимиз жуда кўп. Яна бир бахтимиз шундаки, ёшлар ҳақида Ўзбекистоннинг Президенти ҳам куюнчаклик билан ғамхўрлик қилаётир. Биз — барча авлод ижодкорлари ушбу эътибордан миннатдор бўламиз, холос.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси ижодкорларни ўз оғушига чорлаб, ижодий ҳисобот даврасини ташкил этибди. Шу даврада шогирдим — Муҳаммад Юсуфга саҳифа ажратилганини эшитиб ғоят қувондим.

Азиз шеърият ихлосмандлари! Шуни билингларки, дунёда шеър ёзадиган кўп. Бироқ, шоир кам бўлади. Бу гапларимдан Муҳаммад талтайиб кетмасин-ку лекин унинг унвони битта — у шоир.

Шеър ва шеърият эса абадийдир.

Абдулла ОРИФ,
Ўзбекистон халқ шоири.



Онамга

Оҳ, менинг ортимдан оввора онам,
Бир парча юраги минг пора онам.
Ҳар балони кўрган ёруғ дунёда
Тошкентни кўрмаган бечора онам!
Боланг бўлиб бир бор бошлаб келдимми,
Энди мен ҳам сенга ўғил бўлдимми...

Гарчи бисотингда «байрам» сўзи йўқ,
Биламан кутарсан, бағринг тўла чўғ.
Менда юрак деганларин ўзи йўқ:
Мен совға бермаган қиз йўқ бу оқшом,
Сенга-чи, на бир хат, на ширин калом,
Энди мен ҳам сенга ўғилми, онам?

Дейсан: олисларда омон бўлсанг бас,
Гоҳ ёдингга тушсам, йўқлаб келсанг бас,
Болам, сенга ҳамма қилади ҳавас...
Ахир, менинг дардим шеър эмас фақат,
Мен машҳур шоирмас—машҳур бешафқат!..
Энди мен ҳам сенга ўғилманми, айт.

Соғинниб байт ёздим, у сени топсин,
Пойингга тиз чўкиб қўлларинг ўпсин,
Шеърдан ҳам улуғим борлигин кўрсин,
Мен учун ҳам азиз ҳолингни сўрсин.
Сенсиз ғариб кўнглим — кўнгилми, онам,
Энди мен ҳам сенга ўғилми, онам!..

Ҳурсанд опа

(Шароф отанинг рафиқаси)

Катта даргоҳларнинг дарди ҳам катта,
Буни англаганлар англар, албатта.
Шоҳга суюмли ёр бўлиб ҳам, ҳатто,
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа!..

Малика қанчалар қайрилмақошдир,
Унга шунча куйган қўйинда тошдир,
Шоҳга хушомадгўй — унга кундошдир,
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.

Бормаса юрт кутар, қандай кўз юмур,
Келмаса кўнгил ғаш, эт жимир-жимир,
Муҳтожлик кўрмай ҳам яшаб бир умр,
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.

Подшонинг кўксида экан бошингиз,
Сизнинг кимингиз кўп — қариндошингиз,
Ким келди оққанда кўздан ёшингиз?..
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.

Кундуз кечган дўстни кўриб тутоқиб,
Кечалар эгасиз эҳромга боқиб,
Сочлари оқарган Илҳомга боқиб,
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.

Кеча нодончалар қилишиб ҳузур,
Ҳайкалин тиклашиб, ҳайкалин бузиб,
Бугун бари келса, сўрашиб узр,
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.

Ана, фариштангиз турди ҳам гўрдан,
Жойи тўрда эди — беришди тўрдан,
Сизда ҳам бор экан манглайда шўрдан,
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.

У кун қабристонга бордим. Турдим тек,
Шоҳ ётар, ёнида набира ҳам лек —
Худди Амир Темур билан Улуғбек...
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.

Бу дард етар Сизга ўла-ўлгунча,
Бардошингиз тоғдек бўлмаса бунча?
Ноланг ҳаққа етиб қайтиб келгунча,
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.

Шеърим ўқиб дерсиз, сенга нима ғам?
Умримда Сизни бир кўрмаганман ҳам.
Кимда ғам кўп бўлса — у менинг онам!..
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.

Ҳидоят

Бегижон РАҲМОНОВга

Кузда кетган турна келгандек баҳор,
Бир кун ҳузурингга қайтмоқларим бор,
Узримни ўзингга айтмоқларим бор,
Эй, менинг юрагим йўқлаган диёр!

Қайтарман, аммо қай аҳволда билмам,
Балки, унда мени буккан бўлар ғам,
Балки, насиб этмас қайтмоқ менга ҳам,
Чўлпони ёдидан чиқмаган диёр...

Гарчи бўлмасам ҳам ёнингда йўлдош,
Дардингга дилдошман, жонингга жондош,
Ҳаттоки, қаландар Машраби талош,
Бобури бағрига сиғмаган диёр.

Оллоҳ-ку Анжонда қормиш лойини,
Нодиранг на қилсун хон саройини?..
Қўқонга узатиб Моҳларойини,
Боғишамол бўлиб йиғлаган диёр.

Жаннатлардан гўзал, кўҳлигим менинг,
Бағрингни қон қилди шўхлигим менинг,
Балки билинмаҳ ҳам йўқлигим менинг,
Балки, мени ҳам соғ йўқлаган диёр...

Кузда кетган турна келгандек баҳор,
Бир кун ҳузурингга қайтмоқларим бор,
Узримни ўзингга айтмоқларим бор,
Эй, ёмон кўзлардан сақлаган диёр!

Эски этик

НАСИ уни пахта тераётиб туғиб қўйганди. Агар қиз бўлса, отини Пахтаой қўйса ҳам бўларди. Ўғил экан. Абдували, дейишди суйиб. Отингдан айланай, деб эркалашди, бир-икки ой. Бўлди. Шу билан барча меҳрибончиликлар тугади. Ёшига етмай етим қолди, шўрлик. Қип-қизил етим...

Етимнинг отаси меҳнат, дейишади. Меҳнат унинг доимий йўлдоши бўлди. Қариндош-уруғ қарашди, болэ вояга етди. Колхозда ҳисобчи, бригадир, кейин раис бўлди. Ўзи қатори бир бечораҳол оиланинг қоқсуяк қизига уйланди. Етимлигидан тонг саҳардан далага чопарди, раислигида ҳам шу одатини канда қилмади. Хўш, кейинчи дерсиз?..

Кейин уни қўшиб-ёзишда айблаб, етти йилга қамаб юборишди!

Энди етим раснинг колхози етим қолди.

— Эй, Абдували, — деди у пешонасига шаппатилаб—Гуноҳинг нима? Эллик йил бошинг меҳнатдан чиқмаганими? Ёки болангдан кўпроқ далангга қараганингми? Хотинингдан кўпроқ ғўзангни суйганингми?..

Раснинг титилиб кетган эски этиги айвонда беш йил мунғайиб ётди. Ахир, этиги ҳам эгасидек ишга ўрганиб қолганди-да. Улар гўё бир-бирларига мўлтирашиб «азизим, дунёга бевақт келибмиз», — деб тургандек эди...

Абдували раис ноҳақ тўқинликдан қайтиб келган куни этикчаларини йўқлаб бордим. Иккаласини ҳам қадрдонимдек кўтариб олиб, қулоқларига шивирладим: «баракалла азаматлар! Сизни дунёга келтирган этикдўзнинг отасига минг раҳмат. Гдлянчиларнинг пошнасини ялаб, элатдошларимни ноҳақ қаматган нодон раҳбарчалардан кўра сизни халқимга кўпроқ нафингиз тегди!»...

Қалай боплабманми?

Ахир Темур

Ўлик жондин не истарлар, қарғишим?..
Алишер НАВОИЙ.

Жаҳонгирнинг қабрин очган каззоблар,
Чала олимлару чала арбоблар.
Хондек яшаб ўтдилару оламдан,
Амир Темур руҳи мени азоблар...

Ўша кун сен қайда эдинг, болам дер,
Етмадими қулоғингга нолам дер,
Мени қўзғаб нима топдн олам дер,
Амир Темур руҳи мени азоблар.

Тирик эрсам тинмасди-ку ярағим,
Ўлик жондин не истарлар, қарғишим,
Қўлим қайда дер, қайда бош чанағим?..
Амир Темур руҳи мени азоблар.

Бу қандайин кўргулик дер, ё оллоҳ,
Ёвуздин ер остида ҳам йўқ паноҳ!
Бобур қайда дер, қайдадир Мироншоҳ...
Амир Темур руҳи мени азоблар.

Дунё топдим, лекин дунё йиғмадим,
Мен эл учун от устида ухладим,
Наҳот энди ўз қабримга сиғмадим?...
Амир Темур руҳи мени азоблар...

Мен не қилай?
Мен бир ожиз бандаман,
Руҳлар билан бир жону бир тандаман,
Узр сўраб ҳар кун Самарқанддаман,
Амир Темур руҳи мени азоблар!..

Ҳозирлага

Шуҳратга ўч бўлсам керак мен гумроҳ,
Ёлғон бўлса керак дилда нолам ҳам.
Тўпори байтларим битар пайтим гоҳ,
Кўзимга кўринмай қолар болам ҳам.

Оламни эркалаб эрка сўз излаб,
Боламни эркалаб бир сўз айтмайман.
Мушукдай суйкалиб келса ҳам музлаб,
Бетидан бир ўпмай уйдан ҳайдайман.

Қалам ушладимми демак — ўйин бас,
Яйраб очолмайди гул дудоғини,
Мундоқ юрак ютиб сўраша олмас,
Хонамда қолдирган қўғирчоғини.

Бурчак-бурчакда жим тортишар бурун,
Билмам қандай ўй-ю хаёл ичида.
Тузсиз шеърларим деб ширандан-ширин
Болаларим юрар оёқ учида...

Улар шеър ёзмасин ҳеч менга ўхшаб,
Мендан нафи кўпроқ тегар элимга,
Шоҳ асар бўлса ҳам тупурдим ўша
Боламни йиғлатиб ёзган шеъримга!

Маликам!

О, маликам, сизга мўмин бир ёр бўлса,
Ҳар замонда бир этсангиз иноятлар.
Амр этсангиз сиғинмоққа тайёр бўлса,
Маъбудадек сизга қилса ибодатлар.

Қулдек сизга содиқ бўлса абад-азал,
Эртакдаги Юсуфдан ҳам бўлса гўзал,
Ёзса фақат сизга атаб, ёзса ғазал,
Сўйласа ҳам сизга сўйлаб ривоятлар.

Қул бўлсаю билдирмаса, либоси зар,
Номуси йўқ, беномусдан қилса ҳазар,
Жим тингласа сиз шикоят қилсангиз гар,
Ўзи эса қилмаса ҳеч шикоятлар.

Бўйи баланд бўлса унинг, қадри эмас,
Елкаси кенг бўлса, фақат сабри эмас,
Сиз дарёсиз, у бўлса шу дарёда хас,
Бағрингизда сузиб, қилса муқоматлар!..

Бундан кўра Тоҳир оққан қути яхши,
Гадоларнинг эргаштирган ити яхши,
Ошингиздан бияларнинг сути яхши,
Майли бизга насиб этмаса бу қоматлар.

Севар эдим сизни, энди севиб нетдим,
Ёлғон севги етаклаган ерга етдим,
Хуш қолсинлар, шунчақ бир
келдим-кетдим,
Маликага бўйсунмаган Муҳаммадлар!..

Кўппак ака, йўл беринг...

• Луқма •

ЭРТАЛАБ шошиб ишга кетаётиб, лифтга чиқдиму, қотиб қолдим. Рўпарамда қиличдек тилини осилтириб, баҳайбат кўппак турарди. Қўрққанимдан итга қам, эгасига ҳам баравар салом бериб юбордим:

— Здрасти!..

Эгаси истамайгина бош иргаб қўйди, кўппак бир ёмон қараб, қулоқларини чимирди. Ўлай агар, иккаласини ҳам танимадим. Бошқа домдан, шекилли. Меҳмонга келишганга ўхшайди, иккаласи етаклашиб.

Тўққизинчи қаватдан икки эркак, бир кўппак бирга тушдик. Энди улардан қутилиб енгил нафас олай десам, қўшним салом берди: — Здорово, Миша!...

Унинг қўлида ҳам занжир. Унинг ёнида ҳам баҳайбат кучук. Нима бало бугун итлар байрамими?...

Сиз кулманг-да, унақа. Домда яшаб кўринг, биласиз. Тошкентдаги барча домларнинг лифтидан ит жунининг ҳиди келади.

Мана, ён қўшним. Паша. Звонок деган кучуги бор. Мушукдан сал каттаю ҳургани-ҳурган. Паша уни ҳафтада бир марта чўмилтиради. Жунини шампунлаб ювади. Эрталаб навбатда туриб, кучукчасига сут сотиб олади. Молоковоз, баччағар. Сут етмай қолган куни жанжал қилади.

Муҳтарам газетхон мени тўғри тушунсин. Асло жонзодлар душмани эмасман. Болалигимда ўзимни ҳам кучугим бўларди. Бўйноқ деган. Аммо унда мен биринчидан бола эдим, қолаверса, бепоён яйловда яшар эдим.

Тўққиз қаватли домда кучукка бало борми?..

Ҳайрон қоласан одам. Буёғи қимматчилик. Эгасига ўзи зўрга емиш топилаётган пайтда ҳаммаёқни кучук босиб кетяпти.

Буларнинг зоти кўплигини кўрсангиз. Бульдог, Звонок, Қозоқи... Гершот дегани бор. Гер бу Германия, шот—Шотландия дегани яъни отаси немис, онаси-шотланд кучук!.. Австриянинг Дингосидан тортиб, немисининг Гитлеригача бор. Юришлари амирона. Эгасининг оғзи қулоғида. Эрталаблари сайр, оқшомлари яна сайр. Бундан кўра боланга қарасанг-чи, номард!

...Ишдан қайтаётиб лифтда кўтарилишга қўрқдим. Ҳалиги бўрибосардан. Минғирлаб қўшиқ айтиб зиналардан чиқиб бораётиб, яна таққа тўхтаб қолдим: Ит!... Туядек келади, аблаҳ, Эгасига яна «Здрасти» деб итига қарадим:

— Илтимос, кўппак ака, йўл беринг...

Сўналмиш

Бисотимни боғда бир ҳалол
Капалакка алмашаман мен,
Ҳаётимни кўкдаги зилол
Камалакка алмашаман мен.

Тошкент — нурга чўмилган
шаҳар,
Бетонларинг жонимни чақар,
Уйим қаср бўлса ҳам агар,
Гувалакка алмашаман мен.

Шоирликни суймайди жоним
Менга ҳавас қилмагин, иним,
Шуҳратимни тотли бир тилим
Ҳандалакка алмашаман мен!

Тузсиз байтим бўлиб овоза,
Юртда машҳур эмишман тоза.
Барча ёзган шеърим бир коса
Сумалакка алмашаман мен!

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

МУТОЛАА ПАРТАВ ЭРУР

«Россия ва собиқ СССР республикалари учун миллионта китоб» ҳаракати иштирокчиларидан бири Эми Больман Самарқандга нодир китоблар олиб келди.

Англияда бошланган бу хайрли ҳаракат ташаббускорлари эр-хотин ёзувчилар Грейф Рожер ва Ригардс Сюзандир. Уларни Буюк Британияда жуда севиб ўқишади. Ҳақиқатгўй адиблар ҳаракатини Англиядаги 40 дан ортиқ шаҳарда қўллаб-қувватлашади. Йўл харажатларининг кескин ошиб кетишига қарамасдан англиялик инсонпарварлар тўпланган китобларни юртимизга келтиришди ва ёшларга совға қилишди.

Эми Больман Самарқанд университети чет тиллар факультетида ва инглиз тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган мактабда ёшлар билан учрашди.

— Китоб, илм миллат танламайди, — деди меҳмон. — Мутолаа эса партав каби ҳамиша инсон йўлини ёритади, фикрингизга тиниқлик бағишлайди. Бу ақидани айнан сизларнинг алломаларингиз айтиб кетишган.

НОДИРАБЕГИМ ОЙЛИГИ

Самарқанд вилоят ҳокимлиги 19 ноябрдан бошлаб вилоятда Нодирабегим ойлиги эълон қилди.

Шаҳар ва район ҳокимларига, ўқув юртлари, идора, корхона, ташкилот раҳбарларига Моҳларойим—Нодирабегим таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан шоирларнинг ижоди ва ижтимоий фаолиятини кенг тарғиб этиш, илмий-ижодий анжуманлар, мушоиралар, адиблар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш топширилди.

Ойлик давомида «Бибихоним» хайрия жамғармаси телемарафони ҳам бўлади. Ундан тушган маблағ Нодира юбилейи муносабати билан муҳтож хотин-қизларга берилади. Ойликнинг охирги куни, яъни 19 декабрда буюк шоира юбилейи тантаналари ўтказилади.

ЙЎҚДАН БОР ҚИЛИШ МУМКИНМИ?

Қишлоқ хўжалигига кимёвий хизмат кўрсатиш идораларининг вазифаси аниқ, яъни деҳқонларни минерал ўғитлар ҳамда кимёвий дорилар билан таъминлаш, экинларни зараркунанда ҳашоратлардан ҳимоя қилишдир.

— Бозор иқтисодиёти шароитида фаолиятимизни жамоа манфаатига йўналтиряпмиз, — дейди Самарқанд вилоятидаги ана шундай бирлашма бошлиғи Муртазо Холбўтаев. — Бунинг учун районлардаги мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва воситаларидан оқилона фойдаландик.

Дарҳақиқат, бугунги кунда бирлашманинг Нарпайда гиламдўзлик, Челакда атлас тўқиш, Пастдарғомда оҳак тайёрлаш цехлари, Ургутда асаларичилик хўжалиги, Булунғурда эса қорамолчилик фермаси ишлаб турибди. Йил охиригача бу тармоқлардан 60 миллион сўм даромад олиш мўлжалланган. Нима ҳам дердик, қалбда ғаштиёқ бўлса йўқдан бор қилиш ҳеч гап эмас экан.

Фармон ТОШЕВ.

Эшитдингизми, Ражабованинг жасадини каналдан топибдилар.

— Нима, жонига қасд қилибдими? Ахир олтмишдан ошган эди-ку!

— Қисматни қаранг-а, хўп яхши аёл эди-да!

Ғиждувон шаҳрида тарқалган бу шум хабар кўпчиликни ҳайратга солди. Бир неча йил мактаб-маориф соҳасида ишлаган, эндиликда кексалик гаштини сураётган аёлга кимнинг хусумати бор эди? Ғиждувонликлар ана шу саволдан анча вақт карахт бўлиб юрдилар. Аслида қотиллар кампирнинг пинжидан паноҳ топганлар эди...

Айни саратон, ҳаво эрталабданоқ дим. Ҳикмат буви кечаги ҳодисадан кўнгли ғаш. «Қизларнинг ўйнаши кўп бўлса, қайси бирини милицияга судрайман!».

Ҳикмат бувининг хаёли шу ўйлар билан банд бўлган чоғда ҳовлига башанг кийинган Қурсия кириб келди. Уни кўрган кампирнинг яна авзойи тундлашди:

— Қайтиб бу уйга қадам босма демовдимми? Қани, дарҳол чиқиб кет, қанжиқ!

Кампирнинг бу гапидан Қурсиянинг энсаси қотди, кечаги аламини олмоқчи бўлди. Гулнисо узатган пиёлани кампирнинг бетига улоқтирди.

— Мелисага топшириб нима қилдинг, гўрсўхта? Барибир қачон бўлса ҳам тазирингни ўзим бераман. Ўртадаги жанжал пасайгач, кампир ичкарига кирди, каравотга чўзилди. Жанжал охир-оқибат нохушлик билан тугашини кампир тушида кўрибдими? Қурсия-чи? Шайтон инидан чиқса борми, тамом, кишини албатта йўлдан ураркан...

Кампирнинг уйга кирганини кузатиб турган Қурсия югуриб бориб, ҳовли дарвозасига қулф солди. Уйга кириб, бирдан кампирга ташланди, уни бўйнидан бўға бошлади. Кампирнинг жон-жаҳди билан қаршилик қилишига қарамай, у бўғишда давом этди. Тўйларда қимларгадир қувонч бахш этган, айрим бойваччаларнинг чўнтагига ўрмалаб кирган бу «нозик» бармоқлар кампирнинг бўйнига арқондек тобора чуқурроқ ботиб борарди.

Шу пайт тўсатдан дарвоза тақиллади. Гулнисо шоша-пиша овоз чиққан томонга югурди. Дарвозани сал қия очди: «Ҳайрият, таниш йигитлар экан!» — кўкрагига тупурди у.

— Курсияни тўйга олиб кетмоқчи эдик.

— У уйда йўқ, — титроқ овозда жавоб қилди Гулнисо. Йигитлар қизнинг таҳликали чеҳраси, титраб турган қўлларига эътибор ҳам бермай, изларига қайтишди.

Гулнисо хонага қайтиб киргандa кампир Қурсиянинг остида ҳамон типирчилар, ўқтин-ўқтин хириллардн.

— Нимага қараб турибсан, кучим етмаяпти, ёрдам бер!

Гулнисо кампирнинг қўл-оёқларини маҳкам ушлади. Ҳаш-паш дегунча кампирнинг кўзи оқариб, оёқ-қўли шалпайди. Қурсия Гулнисога каравот остидаги дазмолни олиб бер, деб имлади. Кўзи қизил қонга ташна Қурсия дазмол билан кампирнинг бошига зарб ила урди.

— Мана, энди сасинг чиқмайди, ҳаммамиз қутулдик! Сени у дунёдан ҳам тополмайдилар, жодугар!

Қурсия шундай деди-да, қўлидаги дазмолга тикилди, сўнг жирканган-дек, уни улоқтириб юборди.

Хонага оғир жимлик чўкди, худди қабристондагидек. Қизлар ўз қилмишларидан ғангиб қолдилар.

—Боягина сен билан айтишиб қолган бир инсон...—Гулнисо дир-дир титрар, пиқ-пиқ йиғларди:—Нима қилиб қўйдик, энди бизни қамашади!..

Қурсия ҳақиқатан ҳам ўзининг инсонийлик қиёфасини йўқотган, шайтон васвасасига учган эди. Бироздан сўнг аранг ўзига келди. Шунда ҳам пушаймон бўлмади. «Нима бўлса бўлди, бошга тушганни кўз кўради» деди шивирлаб.

Қизлар мурдани хонадан даҳлизга олиб чиқишди. Шунда унинг киссасидан бир нарса ерга тушди. Бу кампир турадиган уйнинг калити эди. Қурсия калитни чўнтагига солиб қўйди. Сўнг мурдани чойшабга ўраб, дарвозахонага олиб чиқишди.

Ўлик бор ҳовлида тунаб бўлармиди? Қизлар ҳеч нима кўрмагандек, дарвоза эшигини қулфлаб, кўчага чиқишди...

УРҒОЧИ ШАЙТОНЛАР

• Суд очерки •

Бир одамнинг умрига завол бўлган, уни ваҳшийларча ўлдирган, бу раҳмсиз, диёнатсиз қизлар ким? Улар қандай қилиб бундай гуноҳи азимга ботдилар? Ахир, уларни ҳам она туққандир? Бунчалик тошбағир бўлмаса, улар?!

Қурсия Худойқулова 1968 йилда Ғиждувон районидаги Ибн Сино номли (собиқ К. Маркс номли) жамоа хўжалигининг Қумоқ қишлоғида ёруғ дунёга келган. Чақалоқлигида Қурсия катта бўлса қотил бўлади, десалар бу гапга ким ҳам ишонарди? Ҳар бир она фарзандига ёмонликни асло раво кўрмайди. Шароф ота-чи? Қурсия ақлини таниганча уни кўпдан кам қилмади. Опасини ҳам. Афсуски, опа-сингил ақлини танигач, меҳнатга бўйин қўймади. Пулга, башанг кийинишга, кайф-сафо қилиб яшашга ҳирс қўйди. Бунинг учун қайси йўлга кириш кераклигини ҳам билиб олди. Хуллас, опа-сингилни бу ўйхаёл адаштирди, оиладан йироқлаштирди.

Улар тўйларда отарчилик қилишди, ўйнашди-кулишди. Тақдир тақозоси билан марҳум Ҳ. Ражабова яшайдиган (Ғиждувон шаҳар Лермонтов кўчаси, 31, А. Қаҳҳор кўчаси 105)-уйларда ижарада турадиган бўлдилар. Тўйдан келадиган мўмай пулдан тушаётган ижара ҳақи уй эгасига сариёғдек ёқа бошлади. Бу орада қизларнинг жазманлари ҳам опани қуруқ қўйишмади.

Қурсиянинг «ҳамкасби» Гулнисо Облоева эндигина 22 баҳорни қаршилаган. У аслида райондаги Абдуди чоғи, мурдани йўқотишда «яқин»лари кўмакка келишди. Қотиллик содир бўлган 1992 йил 9 июнда қизлар Ражабованинг Абдулла Қаҳҳор кўчасидаги 105-уйида тунашди. Шу ердан айрим мижозларга машина кераклиги ҳақида қўнғироқ қилишди. Бунда ҳам улар қилмишларини сир сақлашди. 10 июнь кечқурун қизларнинг «таниш»лари Музаффар Эргашев, Исмоил Нуров, Нажмиддин Болтаевлар йўқлаб келишди. Исмоил Нуровга қарашли В 46-71 БХ давлат белгили «Жигули» енгил машинасида қизлар кампирнинг мурдаси ётган ҳовлига келишди.

Қизлар йигитларга: — «Кампирнинг бузоғи ўлиб қолган, уни йўқотиб келишимиз керак» деб алдашди.

— Опанинг гўсаласи сасибди-ку? — сўради улардан бири.

— Ҳечқиси йўқ. Ҳозир элтиб, йўқотиб келамиз, — кулимсираб деди Қурсия.

Қизлар минган машина Қорахони қишлоғи томон йўл олди. Машина канал кўпригидан ўтгач, чапга бурилди. Уч-тўрт чақирим юрилгач, қизлар машинани тўхтатишни айтишди. Тунда юкхонадаги «гўсала» каналга улоқтирилди. Қизлар қўлларини яхшилаб ювишди, сўнг машинага ўтиришди. Уйга қайтиб келаётган Гулнисо яна йиғлай бошлади.

— Қўй энди, ҳаммасидан қутулдик, — деди Қурсия.

Унинг сўзини машина ичидагилар магнитафон тасмасидан тараладётган қўшиқ оҳангида унча пайқамадилар.

Шунда Қурсия баланд овозда деди:

— Ўчир магнитафонингни! Биласизларми, ҳозир каналга ташлаган нарсамиз нима эди? Ражабованинг ўлиги эди! Уни кеча Гулнисо билан иккаламиз ўлдиргандик.

Музаффардан бошқа йигитлар Қурсиянинг бу гапини ҳазил, деб тушундилар. Шу боис бўлган воқеанинг учи кўринмагунча ҳеч кимга чурқ этмадилар.

Ҳа, дарвоқе, бундан олдинги кунги ҳангома эсдан кўтарилибди. Қўли қон, Азроил ёрлақаган қизларнинг эсига калит тушди. Улар кампирнинг хонасига анча чўчиб киришди. Чунки хонани марҳум Ҳ. Ражабова ҳамиша соққичлик бўлинмасининг марказий қўриқлаш пультига топширарди. Уйда бўлганлиги учун ҳам уни бугал топширмаганди. Буни эса қизлар билишмасди. Улар хонага киришганда телефон бир неча бор жиринглади, бундан қизларнинг ўтакаси ёрилди. Шундай бўлса-да ҳеч ким келмади. Демак, уй топширилмаган. Анча дадиллашган қизлар хонани титкилай бошлашди, шифонер тепасидаги чойнакларга кўз югуртиришди. Улар ахтарган нарса топилди: бирининг нархи 6468 сўм, иккинчисиники эса 3600 сўм бўлган аёлларнинг икки жуфт тилла халқаси, бирини Гулнисо олиб, дарҳол қулоғига тақди. Нархи 10051 сўм 44 тийин турадиган беш дона тилла тиш (бу тишлар Ҳ. Ражабованики эди)ларнинг иккитасини Гулнисо олди. Қолгани эса Қурсияга насиб этди. Қизлар «улуш»ларини Ражабованинг А. Қаҳҳор кўчасидаги уйига элтиб «гумдон» қилишди.

Қотиллар учун кунларнинг ўтиши қийин бўлмади. Опаси сўраб-суриштирганларга доим «Ражабова Бухорога кетганлар, молларига эса ўзимиз қараяпмиз» дейишарди. Аммо опанинг Бухорога «ташрифи» узоққа чўзилганлиги укаси Тўйжон Султоновни ташвишга солди. У милицияга хабар қилди. Жиноят қидирув ходимлари ишга киришди. Ражабованинг мурдаси Шофиркондан топилганлиги тўғрисидаги хабар қизларни саросимага солди.

Ҳ. Ражабова (худо раҳмат қилсин) «тадбиркор» аёл эди. У бундан икки йил олдин васиятнома ҳам ёзиб қолдирганди. Ваҳшийларча ўлдирилганлигидан сўнг, унинг оғайнилари васиятни бажо келтиришди. Афсуски, кампир ўз ажалидан, оёқ узатиб ўлмагани улар қалбида армон бўлиб қолди.

Қўйнида олма деб сақлаб юргани илон бўлиб чиқди, кампирнинг. Унга заҳар сочдилар. Ҳа, бу заҳарли «илон»лар жиноий жавобгарликка тортилди. Лекин уларнинг ҳунарларини касб қилиб олиб, шундан нон еяётганлар ҳали йўқ эмас.

Қотил қизлар? Улар одаммі? Ёки одам қиёфасидаги маҳлуқми? Уларнинг нимаси аёл? Уларни она зотидан деб бўладими? Йўқ, улар уруғочи шайтонлар, холос. Сиз бунга нима дейсиз, сермулоҳаза муштарий?

Холмурод БАҲРОНОВ,
Бухоро вилояти Ғиждувон район прокуратураси терговчиси.
Даврон БАҲРОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

• Спорт

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

ОЛМАОТАДА бокс бўйича ўтказилган халқаро мусобақада республикамиз спортчилари ҳам қатнашдилар.

Чарм қўлқоп усталарининг мусобақаси олти кун давом этди. Қозоғистон Республикаси соврини учун ўтказилган бу мусобақада Озарбайжон, Хитой, Корея Республикаси, Қирғизистон, Монголия, Россия боксчилари ўзаро баҳслашдилар. Вазнларига кўра ғолиблик супасига кўтарилган спортчилар орасида ўзбекистонлик М. Султоновнинг ҳам борлиги мухлисларни мамнун этди.

ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИ

МУСТАҚИЛ Ўзбекистоннинг дастлабки миллий футбол чемпионати якунлари чиқарилмоқда.

Маълумки, шароит тақозоси билан бу йилги чемпионатда деярли бир хил имкониятга эга бўлган «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ғолиб деб топилди. Мутахассислар ва журналистлар танловига мувофиқ пахтакорчи Валерий Кечинов «Энг яхши футболчи» номига сазовор бўлди.

НАФОСАТ БАҲСИДА

ТОШКЕНТЛИК фигурали учиш усталари ўзларининг дастлабки халқаро мусобақаларида ажойиб муваффақиятга эришдилар.

Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг конькида учиш бўйича халқаро уюшмага аъзо бўлишганидан кейин биринчи марта йирик мусобақада иштирок этишлари зафарли бўлди. Чуноичи, Алики Стергиаду билан Юрис Разгуляев Сеуль шаҳрида «Осиё» кубоги учун мусобақада қатнашдилар. Муз устида нафис ҳаракатлар қилиб, ўз маҳоратларини намойиш қилган спортчиларимиз мутахассисларнинг юксак баҳосини олиб, ғалаба қозонишди.



ФОТИҲЛАР ЎТАВЕРАДИ, ДУРДОНАЛАР ҚОЛАВЕРАДИ

Бу кўҳна чархи дунёга не-не фотиҳу даҳолар келиб кетмади дейсиз. Асрлар эса гоҳо шитоб билан, гоҳо тошбақадай судралиб ўтаверади. Буларнинг барига фақатгина вақт — одил ҳакам. Эврилиш шамоли неники илдизи чиркин бўлса, ер юзидан супуриб ташлайверади. Яқиняқингача бу жойда собиқ доҳийнинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи музей қўним топган эди. Музей ходимларининг эса пашша қўришдан бошқа юмуши йўқ эди, ҳисоб.

Яқинда «Доҳий» ўз ўрнини вилоят халқ амалий санъати музейига бўшатиб берди. Музейда аждодларимиз яратган санъат асарларидан тортиб замондошларимиз бунёд этган мўъжаз буюмларгача жой олган. Кунига юзлаб томошабинлар кираётган Қаршидаги бу даргоҳда ходимларнинг эндиликда пашша қўришга вақтлари йўқ.

СУРАТДА: музейда.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзА).

• САВОЛ—ЖАВОБ •

Кўпроқ нафақа олишга ҳақлиманми?

Ҳурматли Бош муҳаррир! «Ўзбекистон овози» газетасининг халқпарварлигига ишонган ҳолда, менинг арзимга ҳам қулоқ солади, деган умидда Сизга ушбу хатни ёзишга қарор қилдим. Мен, Моҳияхон Олимова саккиз нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказдим. Умумий иш стажим 14 йил бўлиб, 1985 йилда пенсияга чиқа олмадим. 1990 йилдан 50 фоиз миқдорида нафақа олиб келмоқдаман. 1992 йил 1 июлига қадар олаётган пулим 275 сўм эди.

1963 йилда туғилган ўғлим 1982 йилда армия сафида ҳалок бўлган. Лекин мен ҳалок бўлган аскарлар оилаларига белгиланган имтиёзлардан фойдаланаётганим йўқ. Шу кунгача бирор киши ҳол-аҳвол сўраган эмас. Турмуш ўртоғим 1930 йилда туғилганлар. Бироқ ҳужжатда 1934 йил ёзилиб қолган. Улар 39 йил судлов идорасида котиб ,ижрочи бўлиб ишлаганлар. Штат қисқариши натижасида 1988 йилдан буён ҳеч қандай даромадсиз қолдилар. Бу йил бир гектар ер олиб экин экдик. Биз оч қолмаймиз, тўғри тушуниг. Фарзандларимиз боқади, лекин ҳаммасида уч-тўрт нафар бола. Ҳозирги шароитда ўзимиз ҳам яхшироқ яшасак деймиз. Бир ўғил ва бир қизимизни уйлижойли қилишимиз керак. Менинг кўпроқ нафақа олишга ҳақким борми ёки йўқми?

М. ОЛИМОВА,
Андижон вилоят Балиқчи районидаги Чинобод қишлоғи, Ленин кўчаси, 122-уй.
(29 июнь 1992 йил).

Вазирлик узр сўрайди

Ҳурматли Моҳия опа!

Вазирлик Сизнинг аризангизни кўриб чиқди. Аниқланишича, сизга 1990 йилда 5 йиллик иш стажи билан тўлиқсиз қарилик пенсия—нафақаси тайинланган. Район ижтимоий таъминот бўлими ходимлари айби билан 1991 йил январидан 192 сўм 50 тийин ўрнига 175 сўм, шу йил 16 мартдан 302 сўм ўрнига 275 сўм, 1 июлдан 550 сўм ўрнига 500 сўм миқдорида нафақа тайинланган ва тўланган.

Ўзбекистон Президентининг Фармонига асосан шу йил сентябрдан бошлаб нафақангизнинг миқдори 687 сўм 50 тийинга етказилди.

Сизга тўланмай қолган нафақа тўланади.

Ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган ўғлингиз масаласида яшаб турган жойингиздаги ҳарбий комиссариатга мурожаат этишингизни тавсия этамиз.

Амалдаги қонунга кўра паспорт ёшини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Агар ҳужжатларда (паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ҳарбий билет, хўжалик дафтарларида) зиддиятли ёзувлар кўрсатилган бўлса, буни—ёшни аниқлаш масаласини яшаб турган жойингиздаги ҳокимлик ҳузуридаги ёшни аниқлаш комиссияси кўриб чиқиб, ҳал қилади. Турмуш ўртоғингизнинг ёшини аниқлаш масаласида шу комиссияга мурожаат қилишингиз мумкин.

Нафақангизнинг ўз вақтида оширилмаганлигига алоқадор шахсларга тегишли чора кўрилди.

Юқоридаги йўл қўйилган камчиликлар учун Сиздан узр сўраймиз.

Ҳурмат билан:
К. САЙДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-таъминот вазири ўринбосари.

• «Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

Мазкур сарлавҳали фельетонда республикамизда шакар тақчиллиги, бори ҳам талон-торож қилинаётганлиги, омбордаги қаллоблик ва ўғирликлар, мавжуд савдо қонун-қоидаларини бузиш ҳоллари кескин танқид қилинган эди. Ана шу фельетон юзасидан Ўзбекистон матлубот жамиятлари республика уюшмаси—«Ўзбекбирлашув» раиси ўринбосари Е. ИВАНОВ имзоси билан қуйидаги жавоб олинди:

«ИВАНОВ ИВАНОВ ҲАҚИДА»

«Шакар» операцияси» фельетонидаги фактлар, яъни четга шакар ташиб кетиш ҳоллари, матлубот жамиятларидаги кўзбўямачиликлар «Ўзбекбирлашув» правлениесининг йиғилишида кўриб чиқилди.

Қабул қилинган қарорга биноан «Ўзглавкомплект» бирлашмаси бошқарувчиси Н. Н. Артюхин ва унинг ўринбосари Ш. Т. Аҳмедов вазифасидан бўшатилдилар. Бош муҳандис Ю. В. Плаксинга қаттиқ хайфсан берилди. Бирлашма фаолиятини етарли назорат қилмаганликлари учун «Ўзбекбирлашув» правлениеси раиси ўринбосарлари Е. Г. Иванов ва Ш. А. Собировларга ҳам ҳайфсан берилди.

Тошкент вилояти матлубот жамияти правлениеси қарорига биноан Ўрта Чирчиқ райони матлубот жамияти раиси Р. Эргашев ва нон комбинати директори М. Мирсултонов ишдан олинди. Омбор мудири О. Турсунов эса қамоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан шакар билан боғлиқ кўзбўямачилик ҳолларини аниқлаш бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

Аҳолига белгиланган тартибда товар тарқатиш, купон бўйича маҳсулот бериш, республика ҳудудидан ташқарига товар-маҳсулотларни олиб чиқиб кетиш масалалари «Ўзбекбирлашув» правлениеси ва вилоятларнинг матлубот жамиятлари йиғилишларида бир неча бор муҳокама қилинди.

Айбдорларга эса энг қатъий интизом чоралари кўрилмоқда. Фақат шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида кооператив ташкилотларнинг 34 раҳбари ишдан четлатилди, 110 нафар моддий жавобгар кишига, 214 нафар ходимга қаттиқ ҳайфсан берилди, 216 киши ҳайфсан олди, 132 киши эса огоҳлантирилди.

«Ўзбекбирлашув» правлениеси ва вилоятларнинг матлубот жамиятлари томонидан ҳукуматнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини кўриш тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан чоралар кўрилмоқда, савдо қоидаларига риоя этиш ва белгиланган тартибда аҳолини товар билан таъминлаш масалалари юзасидан қаттиқ назорат ўрнатилди.

РЕДАКЦИЯДАН: Ўзбекистон матлубот жамиятлари республика уюшмасидан олинган жавоб кишини таажжубга солмай қўймайди. «Ўзбекбирлашув» тизимидаги қонун-қоидаларни бузиш, кўзбўямачилик ҳолларн тан олинганн ҳолда раис ўринбосари ўртоқ Е. Иванов, бирлашма фаолиятини етарли назорат қилмаганлиги учун раис ўринбосари Е. Г. Ивановга ҳам ҳайфсан берилди, дейди. Қизиқ, у ўзини ўзи шундай тарзда жазолаганмикин ёки бошқа одам!! Агар бошқа одам бўлса, унга қаттиқроқ жазо чораси кўрармиди!!

Маълумки, ушбу фельетонда Тошкент шакар базаларидаги ва дўконларидаги аҳвол, тақсимотдаги бузилишлар ҳам қаттиқ танқид қилинган эди. Фельетон юзасидан «Ўзбексавдо» уюшмасининг раиси М. УСМОНОВдан ҳам қуйидаги жавоб олинди:

«ШАКАР» ОПЕРАЦИЯСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 12 СЕНТЯБРЬ 1992 ЙИЛ.

— «Шакар» операцияси» фельетони юзасидан «Ўзбексавдо» давлат ассоциацияси раҳбари Н. Очилов ва Гулистон озиқ-овқат савдо идорасининг раҳбари А. Содиқов ўз лавозимларидан озод қилинганлиги ва қонунга хилоф равишда шакар сотганлари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноий иш қўзғатилганлиги маълумот учун қабул қилиндн.

«Қорақалпоқ — сауда» уюшмасига, вилоятлар ва Тошкент шакар савдо-ишлаб чиқариш концернларига, республика акционерлик бирлашмаларига озиқ-овқат манбаларини тақсимлашда манба интизомига риоя қилиш аҳволини зудлик билан текшириб чиқиб, бу масалада тартиб ўрнатиш чора-тадбирларини амалга ошириш вазифаси топширилди.

Мақолада кўрсатилган бошқа далиллар текширилганда қуйидагилар аниқланди.

Чилонзор ошхоналар трести ва «Наврўз» ресторанига шакар 133 ва 135-сон шартномага асосан белгиланган тартибда ишончномасиз марказлаштирилган усулда база транспорти билан етказиб берилган.

Шу йилнинг август ойида Тошкент умумий овқатланиш концернига 330 тонна шакар тўғри берилган. «Бақоллик» бирлашмасининг хатидаги умумий овқатланиш учун манба 50 фоиз миқдорида берилиши тўғрисидаги кўрсатма «Қорақалпоқ-сауда» уюшмаси ва вилоятлар савдо ишлаб чиқариш концерларига тааллуқлидир. Август ойида шакар бериш меъёри «Ўзбексавдо» томонидан Тошкент шаҳар умумий овқатланиш концернига 660 тонна манбасининг 50 фонзи миқдорида 330 тонна белгилаб берилган.

«Ўзбексавдо» уюшмаси томонидан манба интизомини мустаҳкамлаш ва шакар тақсимоти устидан қаттиқ назорат ўрнатиш чоралари амалга оширилмоқда.

Шакарни нақд пулга сотишга йўл қўйганликлари учун омборнинг бош ҳисобчиси А. П. Чеботарёвага ҳам ҳайфсан берилди.

Шакар меъёри бўйича тарқатилишини назорат қилмаганлиги учун омбор раҳбарининг тижорат ишлари бўйича муовини К. К. Собировга қаттиқ ҳайфсан эълон қилиниб, шундай аҳвол тақрорланса, у вазифасидан озод қилиниши ҳақида огоҳлантирилди. Бирлашма ва унинг қуйи тармоқларига ёш мутахассисларни жалб этиш тавсия қилинди.

Ҳозирги вақтда бирлашманинг Тошкентдаги 1 ва 2-сон омборларини бирлаштириш ва у ердаги раҳбарларни ўз лавозимларини эгаллаб туриши ва турмаслиги масаласи кўриб чиқилмоқда.

Навоий шаҳар савдо идорасининг раҳбари Н. Очилов ва Гулистон озиқ-овқат савдо идорасининг раҳбари А. Содиқов ўз лавозимларидан озод қилинганлиги ва қонунга хилоф равишда шакар сотганлари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноий иш қўзғатилганлиги маълумот учун қабул қилиндн.

«Қорақалпоқ — сауда» уюшмасига, вилоятлар ва Тошкент шакар савдо-ишлаб чиқариш концернларига, республика акционерлик бирлашмаларига озиқ-овқат манбаларини тақсимлашда манба интизомига риоя қилиш аҳволини зудлик билан текшириб чиқиб, бу масалада тартиб ўрнатиш чора-тадбирларини амалга оширишвазифаси топширилди.

Мақолада кўрсатилган бошқа далиллар текширилганда қуйидагилар аниқланди.

Чилонзор ошхоналар трести ва «Наврўз» ресторанига шакар 133 ва 135-сон шартномага асосан белгиланган тартибда ишончномасиз марказлаштирилган усулда база транспорти билан етказиб берилган.

Шу йилнинг август ойида Тошкент умумий овқатланиш концернига 330 тонна шакар тўғри берилган. «Бақоллик» бирлашмасининг хатидаги умумий овқатланиш учун манба 50 фоиз миқдорида берилиши тўғрисидаги кўрсатма «Қорақалпоқ-сауда» уюшмаси ва вилоятлар савдо ишлаб чиқариш концерларига тааллуқлидир. Август ойида шакар бериш меъёри «Ўзбексавдо» томонидан Тошкент шаҳар умумий овқатланиш концернига 660 тонна манбасининг 50 фонзи миқдорида 330 тонна белгилаб берилган.

«Ўзбексавдо» уюшмаси томонидан манба интизомини мустаҳкамлаш ва шакар тақсимоти устидан қаттиқ назорат ўрнатиш чоралари амалга оширилмоқда.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

• ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

• «БОЛА ҲУҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

• «КАТТАЧИЛИК ҚУРСИН» (ФЕЛЬЕТОН).

• ЖАМОЛ КАМОЛ ИЖОДХОНАСИДА.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
•
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: Ш. РЎЗИЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. • Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.20 Г—453. № 234. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.